



TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL 2022

TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ECONOMICS

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnal

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

HRM

2023 yil 1-son

Volume 2, Issue 1, 2023

Таҳририят Кенгаши раиси:

Абдурахманов Қаландар Ходжаевич, ЎзФА академиги

Таҳририят Кенгаши аъзолари:

Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович, и.ф.д., проф.
 Юсупов Ахмадбек Таджиевич, и.ф.д., проф.
 Шарипов Конгратбой Аvezимбетович, т.ф.д., проф
 Раифков Кудратилла Мирсагатович, и.ф.д., проф
 Халмурадов Рустам Ибрагимович, и.ф.д., проф
 Умурзаков Баходир Ҳамидович, и.ф.д., проф.
 Назаров Шарофиддин Ҳакимович, и.ф.д., проф.
 Жумаев Нодир Ҳасиятович, и.ф.д., проф.
 Абдурахманова Гулнора Каландаровна, и.ф.д., проф.
 Эшов Мансур Пўлатович, и.ф.д., проф.
 Зокирова Нодира Каландаровна, и.ф.д., проф.
 Худойбердиев Зайниддин Явқачевич, и.ф.д., проф.
 Мухиддинов Эркин Мадорбекович, и.ф.ф.д., (PhD)
 Холмухаммедов Муҳсинжон Муродуллаевия, и.ф.н., доц.
 Амиров Лочинбек Файзуллаевич, и.ф.ф.д., (PhD), доц.
 Ғойипназаров Санжар Баходирович, и.ф.ф.д., (PhD), доц.
 Шакарров Зафар Гафарович, и.ф.ф.д., (PhD)

Жамоатчилик Кенгаши аъзолари:

Bred Bodenxauzen (АҚШ)
 Jon Ankor (Буюк Британия)
 Odegov Yuriy Gennadevich (Россия Федерацияси)
 Keynz Miller (АҚШ)
 Sung Dong Ki (Корея Республикаси)
 Masato Xivatari (Япония)
 Gerxard Feldmayer (Германия)
 Eko Shri Margianti (Индонезия)
 Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Миср)
 Rohana Ngah (Малайзия)
 Sharifah Zanniyerah (Малайзия)
 Teguh Dartanto (Индонезия)
 Nur Azlinna (Саудия Арабистони)
 Muhammed Xoliq (Покистон)
 Алишер Дедахонов (Тошкент)

Масъул мухаррир: Ғойипназаров Санжар Баходирович

Веб-администратор: Мусаев Хуршид Шарифжонович



+998712392813



ilmiymaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

МУНДАРИЖА

Абдурахманов К.Х. Ғойипназаров С.Б.	<i>Ўзбекистонда инсон капитални рақамли ривожлантиришнинг жорий ҳолати таҳлили.....</i>	5
Ғойипназаров С.Б.	<i>Сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири.....</i>	24
Адилова З.Дж. Адылова Д.У.	<i>Человеческие ресурсы и уровень занятости в индустрии туризма: Международный опыт.....</i>	36
Ирматова А.Б.	<i>Ўзбекистонда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.....</i>	47
Бакиева И.А.	<i>Инсон ресурсларини бошқаришда кадрлар аудитининг роли.....</i>	54
Рахматуллаева Ш.Х.	<i>Меҳнат фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари концепциясининг эволюцион ривожланиш босқичлари ва замонавий баҳолаш турлари.....</i>	66
Оқмуллаев Р.Р.	<i>Олий таълим муассасаларида инсон ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.....</i>	80
Amirdjanova S.S.	<i>Relationship between employment and economic growth in Uzbekistan.....</i>	94
Хайдарова Ж.А.	<i>Раҳбар аёлларнинг “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув компетенцияларини ривожлантириш.....</i>	106
Gulmurodov K.A.	<i>Assessment of the level of external and internal migration of the population of Uzbekistan.....</i>	116
Akhmedova M.A.	<i>Is it easy for an Uzbek woman to make a career?.....</i>	126
Iskandarova D.I.	<i>The issue of improving the quality of life of the population in New Uzbekistan.....</i>	142

Исраилова Д.К.	<i>Ташқи миграция жараёнларининг иқтисодиётга таъсири таҳлили методологияси ва уни такомиллаштириш.....</i>	149
Юлдошев У.А.	<i>Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш тенденциялари.....</i>	166
Жўраева Ш.У.	<i>Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари.....</i>	177
Отақўзиева С.А.	<i>Ўзбекистонда рақамли технологиялар соҳаси меҳнат бозори ривожланишининг минтақавий хусусиятлари.....</i>	188

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Абдурахманов Каландар Ходжаевич¹
Гойипназаров Санжар Баходирович²

*Академик АН Республики Узбекистан,¹
Доктор экономических наук, профессор
Тошкент давлат иқтисодиёт университети²
“Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси” мудири, PhD, доцент,*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг миллий даражада инсон капиталини рақамли ривожлантириш ҳолати ва ундаги асосий тенденциялар таҳлил қилинган. Айниқса, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳамда бу соҳада амалга оширилаётган таълим ислохотлари ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон капиталини рақамли ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилган ҳамда бу соҳани янада такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инсон капиталини рақамли ривожланиш ҳолати, инсон капиталини рақамли ривожлантириш, сунъий интеллект, рақамли инсон капитали.

Abstract: This article analyzes the state of digital development of human capital in Uzbekistan at the national level and the main trends in it. In particular, the changes in the educational system in the context of the introduction of digital economy and artificial intelligence, as well as the educational reforms implemented in this area, are analyzed in detail. In this study, empirical and conceptual studies related to the analysis of the state of digital development of human capital in the conditions of the introduction of digital economy and artificial intelligence, reflected in scientific sources in a number of online databases, were studied, and scientific approaches were systematized in them, and scientifically based proposals were developed for the further improvement of this field.

Keywords: state of digital development of human capital, digital development of human capital, artificial intelligence, digital human capital.

Кириш

Ҳар қандай услуб ва ёндошув вақт ўтиши билан ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Буни биз инсон капиталига ҳам талуқли эканлигини инкор этолмаймиз. Айнан рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капиталини ривожлантириш таълим тизимида рақамли кўникмаларни ривожлантирувчи дастурлар асосида амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим унсурларидан бири сунъий интеллект жуда кўп соҳаларга, шу жумладан таълим соҳасига ҳам кенг жорий этилмоқда. ЮНЕСКО экспертлари сунъий интеллектдан таълим соҳасида фойдаланиш бўйича тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосаларга келдилар:

1. Сунъий интеллект технологиялари ҳамминг (масалан, ногиронлар, қочоқлар, мактабга қатнамайдиганлар) таълимдан фойдаланишларини таъминлай олади. Робот техникаси алоҳида эҳтиёжга эга талабаларни уйда ёки ҳатто касалхонада бўлганида ҳам дарс олишига имконият яратади.

2. Сунъий интеллект кенг жорий этилаётганлиги натижасида яқин келажакда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳаётий заруратга айланади. Бунда таълим муассасалари ўз талабаларининг ушбу жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сунъий интеллект соҳасида билимдорликларини муттасил такомиллаштириб боришлари учун барча имкониятларни ишга солишлари талаб қилинади.

Сунъий интеллект технологияларининг таълимга жорий қилиниши 1970-йиллардан бошланган. Ўша пайтда тадқиқотчилар компьютерлар ёрдамида алоҳида ҳар бир талабага таълим бериш масаласини ҳал этиш устида иш олиб борганлар. Бу изланишлар кейинчалик бир неча йўналишларда – таълимни қўллаб-қувватлаш ва талабаларга баҳо қўйиш, шунингдек таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқитувчиларга ҳамда таълим тизимини самарали бошқариш инновацияларни жорий этиш йўналишларида давом этган.

Ҳозирги давр иқтисодиётининг училиги – “Билимлар иқтисодиёти”, “Ахборот иқтисодиёти” ва “Постиндустриал иқтисодиёти” шакллантирилиши доирасида билим тадрижий ривожланишининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Сунъий интеллектнинг таълимга жорий этилиши жараёнлари куйидаги хусусиятларга эга:

- 2030 йилга бориб асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига билимли одамлар сонининг икки баравридан кўпроққа ортиши;

- Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг таълимнинг пешқадамлари қаторига кўтарилиши;

- малака даражасини баҳолашнинг кўникмалар ва аниқ меҳнат вазибаларини бажаришга қобилияти томонига силжиши;

- малакали ходимларнинг меҳнат бозоридаги салмоғи ортиши натижасида улар даромадлари ортиши суръатларининг пасайиши;

- рақамлаштириш ва масофада туриб ишлаш имкониятларидан фойдаланиши билан касбларнинг ўзгариши;

- таълим хизматлари давомида талаб ва таклиф омилларининг таълим хизматларини тақдим этиш муқобил воситалари улуши ортиши а (онлайн платформалар, очиқ онлайн курслар ва ҳаказолар) ҳисобигўзгариши;

- смартфонлар, планшетлар ва бошқа мобиль техника учун мослаштирилган рақамли материаллар воситасида “Мобиль таълим олиш”га ўтиш;

- блок-чейн технологияларидан таълим натижаларини баҳолаш учун фойдаланиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги етук иқтисодчи олим, академик К.Абдурахманов ва унинг илмий жамоаси томонидан сунъий интеллектни жорий этиш шароитида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар таҳлил қилиниб, иш ўринларини автоматлаштириш шароитида корхоналар рақобатбардошлиги учун инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари очиб берилган[1]. Шунингдек, яна бир маҳаллий олимимизнинг тадқиқотида инсон капиталини рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантиришнинг институционал жиҳатлари ўрганилиб, уни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган[2]. Таълим муассасаларининг рақамли инфратузилмасини жадал ривожлантириш, замонавий рақамли компетенцияларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш, меҳнат бозоридаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда мутахассисликлар ва таълим соҳаларини янгилаш, таълим муҳитида сунъий интеллект тизимларини жорий этиш жараёнлари маҳаллий олимларимиз томонидан ҳам ёритилган[3] Маҳаллий олимларимиздан яна бири инсон капиталининг муҳим унсурларидан бири таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва масофавий таълимнинг янги авлод тизимларини жорий этиш масалалари бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган[4].

Тадқиқот методологияси


Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон капиталини рақамли ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Тадқиқот учун маълумотлар базаси сифатида Ўзбекистон Статистика агентлиги йиллик сатистик нашрлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг йиллик ҳисоботларида акс этган очиқ манабаларга мурожат қилинди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда эса таълим материаллари жадал рақамлаштирилиши ва таълим технологиялари бутун жаҳонда малакали кадрлар улушининг кескин ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса албатта бу эса ҳар бир малака даражаси учун меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини фақат камайишига олиб келмасдан, шунингдек таълим натижалари ва малака талаблари ортишига олиб келади. Бундай воқелик касбий таълим тизмини тезроқ ўзгартириш заруратини туғдирмоқда. Чунки анъанавий равишда асосан давлат томонидан миллий таълим тизимларини

молиялаштириш бунини ҳисобга олиши ҳамда миллий устувор манфаатларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши керак.

2030 йилга бориб таълим ва касбий тайёргарликка глобал харажатлар жами 10 триллион АҚШ долларига етиши мумкин. Чунки рақамлаштириш ҳисобига меҳнат мобиллиги имкониятлари кенгайиши ҳолатида ривожланаётган иқтисодиётларда аҳолининг ўсиши таълим ҳажмлари ортиши ва турли мамлакатларда малака ортишига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Таълим хизматлари глобал бозорида молия ресурсларининг ҳажми (миллиард АҚШ доллари)[5]

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра 2030 йилга бориб Осиё ва Африкада мактаб таълимини олганлар сони 800 миллион кишига етади, доктарантурани битирганлар сони эса 350 миллион кишига етади).


Бу педагог ходимларга талаб ортишига олиб келади, яъни меҳнат бозорида 100 миллион кишига тенг бўлади. Энг юқори суръатлар касбий таълимда кутилмоқда, бу кўп жиҳатдан устозларга талаб ортиши ҳисобига ўқитувчи роли ўзгариши билан боғлиқдир. Бу таълим хизматлари бозорида улушлар ҳажмини ҳисобга олиш имкони беради.

Халқаро академик мобилликнинг таҳлили келажакда меҳнат мигрантларининг оқимини тахмин қилиш, шунингдек мамлакатларни глобал ёки минтақавий устуворлик бўйича тақсимлаш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим тизимида ҳам рақамли ихтисослашув жараёнидан иборат янгиланишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни рақамли кўникмаларга мактаб давриданоқ тайёрлаш имконини берувчи махсус мактабларни барпо этилиши инсон капиталини рақамли ривожлантиришнинг муҳим йўналиши деб қараш мумкин. Масалан, АКТ ва СИга оид фанларни чуқурлаштириб ўргатишга ихтисослаштирилган махсус Ал-Хоразмий мактаблари ва "IT" мактабларини мисол қилиб олиш мумкин.


Агар 2020 йилда 14 та асосий "IT" мактаблари очилган бўлса, 2021

йилда яна 86 та шундай мактаб ўз фаолиятини бошлади. 2023 йилгача эса ихтисослаштирилган мактаблар сони 205 тага етказилиши назарда тутилган. Яъни, ушбу расмдан сўнгги йилларда мамлакат ёшлари ўртасида рақамли таълим қамрови кескин ошганини кўриши мумкин (2-расм).



2-расм. “IT”га ихтисослашган мактаблар сони[6]

Республика ҳудудида “IT” соҳасига ихтисослашган 150 та нодавлат таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг деярли 70 фоизи пойтахтда жойлашган. Тошкент вилоятида 12 та, Қорақалпоғистон Республикасида 7 та, Хоразм вилоятида 6 та, Навоий вилоятида 5 та, Андижон вилоятида 5 та шундай марказ фаолият кўрсатмоқда (3-расм).



3-расм. 2022 йил ҳолатига “IT” соҳасида нодавлат таълим муассасалари сони[7]

Ушбу статистик маълумотлардан айнан рақамли инфратузилма ривожланган худудаларда “IT” соҳасига ихтисослашган таълим муассасаларининг сони ҳам кўп эканлигидан ҳамда соҳа мутахассислари етарли эканлигидан далолат беради.

Касб-хунар таълимига келсак, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маълумотларига кўра, касб-хунар коллежлари ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари тўғрисидаги маълумотлар улар тегишли вазирликлар томонидан қайд этиб борилиши маълум бўлди. Айнан АКТ соҳасига ихтисослашган коллеж ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари тўғрисидаги маълумотлар Рақамли технологиялари вазирлиги ҳамда Давлат Статистика Агентлиги томонидан қайд этиб борилиши маълум бўлди.

(1-жадвал)

АКТ йўналишлари бўйича касб-хунар ва профессионал таълим муассасалари тингловчилари тўғрисида маълумот[8]

Йўналишлар	2016/2017	2017/2018	2018/2019	2019/2020	2020/2021	2021/2022
Компютер технологиялари ва информатика (минг киши)	157,418	118,519	59,117	11,808	3,357	3,200
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари (минг киши)	25,067	19,738	12,333	4,378	0,249	0,230

Давлат Статистика Агентлигининг расмий сайтида кўра касб-хунар коллежларида икки мутахассислик: “Компютер технологиялари ва информатика” ҳамда “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари” йўналишлари бўйича ўқувчилар сони тўғрисида маълумотларни тақдим этди. Мажбурий касб-хунар таълими сиёсати бекор қилиниб, 11 йиллик ўрта таълим тизими қайтарилганлиги сабабли сўнгги беш йилда коллеж ва касб-хунар мактабларида ўқувчилар сони камайди. Ўз навбатида, АКТ соҳасидаги таълим йўналишлари қамрови камайиб кетди. Лекин, айрим касб-хунар

коллежлари профессионал таълим муассалари ва техникумлар сифатида ўз фаолиятларини янгидан йўлга қўйишлари ҳисобига АКТ соҳасидаги таълим йўналишлари сони ва улардаги тингловчилар қамрови яна орта бошлади.

Тадқиқот натижаларига кўра, республикада ахборот технологиялари соҳасида банд бўлган ходимларининг таълим даражаси қуйидагича тақсимланган яъни, бу борадаги энг катта улуш – ўрта махсус (50,0%), учдан бир қисмидан кўпроғи – олий (39,0%) ва энг кам улуш эса – ўрта ёки тўлиқ бўлмаган ўрта (11,0%) тоифалардан иборатлиги маълум бўлди. Мамлакатда айнан сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва жорий этишга компитентлиги бўлган кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, бу соҳадаги олий таълим муассаслари сони ва уларнинг қамров даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни энг муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Шунинг учун дунё миқёсидаги рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини мақбуллаштириш асосида XXI аср мутахассисларини тайёрлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.


2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш бўйича устувор йўналишида ҳамда Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясида ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ошириш вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш доирасида “IT” соҳасига ихтисослашган янги ОТМ лари ташкил этилди. Мавжудларида эса, сунъий интеллект ва “IT” йўналишлари ва мутахассисликлари сони кўпайтирилди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим йўналиши очилди. Сунъий интеллект соҳасида таянч докторантура ва стажёр-тадқиқотчиликка жами 33 та мақсадли квоталар ажратилди (2-жадвал).

“IT” соҳасида кадрлар тайёрловчи ОТМ ва улардаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар[9]

№	ОТМ номи	Бакалавр	Магистратура
1	Ўзбекистон Миллий университети	4	7
2	Тошкент давлат техника университети	2	-
3	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	2	1
4	Тошкент давлат педагогика университети	1	2
5	Андижон давлат университети	2	1
6	Бухоро давлат университети	2	1
7	Бухоро муҳандислик-технология институти	2	2
8	Гулистон давлат университети	1	1
9	Жиззах политехника институти	1	-
10	Қорақалпоқ давлат университети	1	1
11	Қарши давлат университети	2	-
12	Наманган давлат университети	1	2
13	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	1	2
14	Самарқанд давлат университети	2	1
15	Термиз давлат университети	3	1
16	Урганч давлат университети	1	-
17	Фарғона давлат университети	1	-
18	Жиззах давлат педагогика институти	1	1
19	Қўқон давлат педагогика институти	1	1
20	Навобий давлат педагогика институти	1	1
21	Нукус давлат педагогика институти	1	1
22	Чирчиқ давлат педагогика институти	1	-
23	Тошкент ахборот технологиялари университети	10	21
24	ТАТУ, Қарши	5	2
25	ТАТУ, Нукус	5	2
26	ТАТУ, Самарқанд	5	2
27	ТАТУ, Урганч	5	2
28	ТАТУ, Фарғона	5	2
29	Ўзбекистон халқаро ислом академияси	1	-

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлиги маълумотларига кўра, АКТ га оид ўқув дастурлари доирасида мавжуд олий таълим муассасаларида “IT” йўналиши бўйича 30 дан ортиқ бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича таълим йўлга қўйилган. Шу билан бирга, 2021-2022 ўқув йилида битирувчилар сони 2016-2017 ўқув йилига нисбатан 78 фоизга ошган.



4-расм. АКТ соҳаси бўйича ОТМ муассасларини тамомлаган битирувчилар сони[11]

Магистратура битирувчилари сони ҳам сезиларли даражада ошди – 2017/2018 ўқув йилида 95 нафардан 2020/2021 ўқув йилида 237 нафарга етди. 2021/2022 ўқув йилида бу рақам 420 тага етказилди.

2021 йил 17 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сон қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан грант асосида “Сунъий интеллект” йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган ОТМ ва илмий ташкилотлар (5 та) рўйхати тасдиқланди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган ОТМ рўйхати (15 та) тасдиқланди. 2021 йилдан сунъий интеллект соҳасида стажёр-тадқиқотчилар ҳамда таянч докторантурада

таҳсил олиш учун ҳар йили 5 кишилик квота мақсадли ажратилиши белгилаб қўйилди. (3-жадвал).

3-жадвал

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб грант асосида “Сунъий интеллект” йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган ОТМ ва ИТ рўйхати[12]


Т/р	Ташкилот номи	Грант асосида қабул қилиш параметрлари ва ўқув йилининг бошланиши			
		Бакалаврият	Ўқув йили	Магистратура	Ўқув йили
1.	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	30	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	10	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб
2.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети	25	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	10	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб
3.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	25	2023/2024 ўқув йилидан бошлаб	5	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб
4.	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети	20	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	5	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб
5.	Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти	-	-	10	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб

Шунингдек, нодавлат хорижий ва нодавлат Отм муассаларида ҳам АКТ ва сунъий интеллект бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Жанубий Кореянинг Тошкентдаги Инха университети, АҚШ Тошкентдаги Вебстер университети, Италиянинг Тошкентдаги Турин политехника университети ҳамда Хиндистоннинг Тошкентдаги амити университетлари шулар жумласидандир.

Охирги беш йил ичида энг кўп жорий жтилган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган магистратура дастурлари “Телекоммуникация инжиниринги”, “Компютер инжиниринги” (Компютер тизимларини лойиҳалаш), “Ахборот хавфсизлиги” ва “Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш” бўлди. Шунингдек, мамлакатда “IT” соҳада кўникмаларга эга мутахассисларни қайта тайёрлаш тизими Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги қошида ташкил этилган бўлиб, ишсиз фуқаролар учун мўлжалланган махсус “IT” курсларини ўз ичига олади. “IT” -

мутахассисларини қайта тайёрлаш бўйича маълумотлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тақдим этилади.

Ушбу маълумотларга кўра, 2022 йил ҳолатига Ўзбекистон бўйлаб 7 мингдан ортиқ ишсиз фуқаролар 10 ойлик 7 ой давомида “IT” соҳасида ўқиш, қайта тайёрлаш ёки малакасини оширишни тамомлаган бўлиб, уларнинг аксарияти мобил робототехника (11%), компьютер инжиниринги (8,6%), ва “Back-End Development” (8,3%) йўналишларида малака оширганлар. Худудлар кесимида иштирокчиларнинг энг катта улуши Фарғона (11 фоиз), Наманган (10,5 фоиз) ва Сурхондарё (9,1 фоиз) вилоятларига тўғри келади (5-расм).




5 - расм. Ишсиз фуқароларни “IT” соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари йўналишлари, (%) [13]

Шунингдек, 2021-йил январ ойида “IT-Park” Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорлик меморандумини имзолади ва бу “Future Skills Uzbekistan” лойиҳасини биргаликда амалга оширишнинг бошланишини белгилади. Ушбу лойиҳадан мақсад ахборот технологиялари бўйича комплекс ўқув дастури орқали юқори малакали “IT”-мутахассислар сонини кўпайтиришдан иборат.

Лойиҳа мазкур йўналишда касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Лойиҳа доирасида “Ёшлар дафтари” маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган мактаб битирувчилари, олий маълумотли абитуриентлар ва ишсизлар орасидан юзга яқин киши Ўзбекистоннинг ҳар бир худудида ахборот технологиялари бозорида

талаб юқори бўлган касбларга ўқитилади. Лойиҳа учта асосий босқични ўз ичига олади:

- касбий таълим ва “IT”-мутахассисларини тайёрлаш.
- “IT”-мутахассиснинг ваколатларини баҳолаш ва малака паспортини бериш.
- “IT”-мутахассисга ишга жойлашиш ва ўз-ўзини иш билан таъминлашда ёрдам бериш (фрилансер).



6-расм. “IT” соҳаси бўйича қайта ўқитилган ишсиз фуқаролар сони, (%) [14]


6-расмда келтирилган маълумотлардан Наманган ва Фарғона вилоятларида ишсиз фуқароларни “IT” кўникмларига ўқитиш даражаси юқори эканлигини кўриш мумкин.

Мамлакатнинг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида худудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш, ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш дастурлари, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаштириш белгиланган.

Ушубу стратегиядан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида “IT Park” ташаббуси билан “One Million Uzbek Coders” таълим лойиҳаси 2019-йилда бошланган (7-расм).

Дастурчиларни масофавий ўқитиш учун шунга ўхшаш форматдаги лойиҳа БААда бошланган ва “One Million Arab Coders” деб номланган. Лойиҳа ихтисослаштирилган онлайн портал орқали аҳолининг кенг қатламларини рақамли технологиялар бўйича масофавий таълим асосида бепул ўқитишдан иборат. Дастурдан кўзланган мақсад бу соҳада мутахассислар авлодини тайёрлаш, уларни барча воситалар ва

дастурлаш кўникмалари билан жиҳозлашдан иборат. Лойиҳа жаҳон меҳнат бозорида энг кўп талаб қилинадиган тўртта мутахассисликни қамраб олади: “Data Analyst”, “Android Developer”, “Front-End Developer” ва “Full-Stack Developer”. Уларнинг ҳар бири учун умумий курс 120 соатлик машғулотларга мўлжалланган. Ҳар бир даражанинг натижаси лаборатория ишларини тайёрлаш ва тегишли сертификатларни олиш бўлади.



7 - расм. “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси иштирокчиларининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши, (%) [15]

Шу бугунга қадар “Бир миллион ўзбек дастурчилари” дастурида бир миллиондан ортиқ киши қатнашди, шундан қарийб 500 минг нафари битирувчилик сертификатини, қарийб 700 минг нафари эса иштирокчи сертификатини олди. Уларнинг 54,8 фоизи эркаклар, 45,2 фоизи аёллардир. Бундан ташқари, дастур иштирокчилари асосан 30 ёшгача бўлган ёшлар (деярли 84%), хусусан, 13-17 ёшли талабалар (73,2%). Худудлар нуқтаи назаридан дастур иштирокчиларининг энг катта улуши Андижон (16,75%), Наманган (15,52%) ва Самарқанд (14,13%) вилоятларига тўғри келади. Энг кам улуш Сирдарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

Шунингдек мамлакатда электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча туман ва шаҳарларда ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши ва компьютер дастурлаш асосларини ўрганиши учун мавжуд таълим муассасалари негизида 200 дан ортиқ информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этиш вазибалари белгиланган [16].

Ушбу лойиҳа махсус онлайн портал орқали аҳолига масофавий таълим олиш имкониятини беради. Биринчи босқичда лойиҳа глобал меҳнат бозорида талаб юқори бўлган қуйидаги тўртта мутахассисликни ўз ичига олади:


- маълумотларни таҳлил қилиш;
- Android - ишлаб чиқиш;
- FrontEnd - ишлаб чиқиш;
- FullStack - ишлаб чиқиш.

Умумий курс 120 соатлик таълим учун мўлжалланган. Ҳар бир босқич якунида иштирокчилар лаборатория ишларини тайёрлашади ҳамда уларга махсус сертификатлар тақдим этилади. Курсни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар грантлар учун рақобатлаша олишади ва Udacity платформасидаги 100дан ортиқ Nanodegree дастурларининг бирида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Шу ўринда халқаро илмий-тадқиқот ташкилоти маълумоларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда “Oxford Insights” ва Халқаро тадқиқот маркази ҳукуматларнинг СИга тайёрлик индексининг учинчи нашрини нашр этди. Индекс ҳукуматларнинг ўз фуқароларига давлат хизматларини кўрсатишда сунъий интеллект технологияларини жорий этишга тайёрлигини баҳолайди.

Рейтингнинг биринчи бешта ўрнини АҚШ, Буюк Британия, Финляндия, Германия ва Швеция эгаллаб турибди, бу Шимолий Америка ва Ғарбий Европанинг сунъий интеллектга тайёрлиги бўйича умумий кўрсаткичлари юқори бўлган минтақалар эканлигини акс эттиради. Марказий Осиё минтақасида ўртача энг паст кўрсаткичлар қайд этилган. Ўзбекистон индекс рўйхатларида 37,171 балл (максимал балл – 100) билан 172 давлат орасида 95-ўринни эгаллаб турибди.

Умумий балл ўнта кўрсаткич асосида ҳисобланади: Стратегия, Бошқарув ва этика, рақамли потенциал, мослашувчанлик, қамров, инновацион имкониятлар, инсон капитали, инфратузилма, маълумотлар мавжудлиги ва сифати. Кўрсаткичларнинг ҳар бири 100 баллик шкала бўйича баҳоланади. Умуман олганда, Ўзбекистон ҳар бир кўрсаткич бўйича ўртача кўрсаткичдан паст баллга эга (8-расм).



8-расм. Ўзбекистонда ҳукуматнинг СИга тайёрлик индекси кўрсаткичлари[17]

СИ технологиясини қўллаш нуқтаи назаридан энг муҳим кўрсаткичлардан бири - бу инсон капиталидир. Ўзбекистон учун сунъий интеллектга тайёрлик индексига кўра, бу кўрсаткич 34,31 ни ташкил этади, бу индекс етакчиларининг ушбу кўрсаткични баҳолашига нисбатан жуда паст. Ҳеч кимга сир эмаски, мамлакатимизда СИ технологияларини жорий этиш фақат малакали мутахассислар ёрдамида амалга оширилиши мумкин, мамлакатда СИНинг турли соҳаларда қўллаш учун эса фақат рақамли кўникмаларга ўқитилган мутахассислар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва бошқа фармон ҳамда қарорлари қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида таълим тизимига сунъий интеллект кенг жорий этилмоқда. ЮНЕСКО таълимга сунъий интеллектни жорий этишнинг қуйидаги тамойилларини илгари сурган, яъни, таълимда сунъий интеллектдан ҳамма учун бир хил ва тенг ҳуқуқли асосда фойдаланишни таъминлаш; сунъий интеллектдан таълим ва ўқитишни такомиллаштириш учун фойдаланиш; сунъий интеллект даврида тшлаш ва яшаш учун кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам бериш; таълим материалларидан шаффофлик билан ва назорат қилинган ҳолда фойдаланишни таъминлаш[18].

Ўзбекистонда сунъий интеллект умумтаълим мактабларига ҳам жорий этилмоқда. Мамлакат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги “Integrated Technology Laboratory LLC” ва “INTELA EDUCATION UZBEKISTAN” компаниялари билан ҳамкорликда таълим тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этмоқда. Ҳамкорлик доирасида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда

блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини ва ахборот таълим тизимлари (Digital Diplomas), масофавий (онлайн) ўқитиш т (Moodle, Canvas, BlackBoard) ва булутли технологияларини жорий этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Рақамли технологиялар вазирлиги тузилмасида Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти тузилган. Вазирликнинг ташаббуси билан Фарғона шаҳрида 10 та “Ақлли мактаб” фаолият олиб бормоқда. “Ақлли мактаб” дастури маҳаллий мутахассислар томонидан, жумладан “Mustafo Software” масъулияти чекланган жамият билан Урганч давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали олим ва профессорлари ҳамкорликда ишлаб чиқилган. “Ақлли мактаб” дастури мактаблардаги таълим сифатининг самарадорлиги, ўқитувчиларнинг баҳолаш тизимини шаффофлиги ва бошқа бир қанча кўрсаткичларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш имконини беради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳалар каби таълимда ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларида ҳам кенг жорий этилмоқда. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- таълим поғонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

- ягона масофавий таълим платформасини келажакда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш мақсадида яратиш ва амалга ошириш;

- ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишнинг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгартиришлар киритиш;

- технологик касблар ва инновацион фаолият соҳасида ўқишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимига жорий этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ошириш;

- ахборот технологиялар соҳасидаги ташкилотларининг ўқув жараёнларга қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларда информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш;

- олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда «Буюмлар интернет», робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш;

- қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш;

- рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш;

- ғоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини ўтказиш;

- янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан аудио ва видео материалларни излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш, машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш;

- катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллар ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллар ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- хатоларга чидамлилигини ошириш ва тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш учун янги юқори даражали ҳисоблаш ва маълумотларни сақлаш тизимларини, шу жумладан параллел ҳисоблашнинг янги алгоритмларини, янги суперкомпьютер технологиялари ва дастурларини, янги алоқа технологиялари ва ўзаро таъсир протоколларини яратиш, шунингдек, тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш, юқори самарали ва ишончли маълумотларни сақлаш тизимлари учун янги дастурлар яратиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш;

- робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсирининг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларни

такомиллаштириш, шунингдек, “булутли” хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш;

- халқаро йирик корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги миллий кадрлар малакасини ошириш механизмини татбиқ этиш;

- мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

- инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан, ихтисослашган таълимни ривожлантириш ҳамда IT-соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш;

- мактаб ва мактабгача таълим тизимига рақамли трансформация ва янги технологиялар бўйича инновацион ўқув дастурларини жорий этиш[19].

Мамлакатдаги умумтаълим тизимида сунъий интеллект икки йўналишда ривожлантирилади:

- биринчи йўналиш – ўқувчиларда турлича ўзлаштириш муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади. Сунъий интеллект таълим оловчиларнинг билимларини таҳлил қилади ва уларнинг ўзлаштириш даражаси билан ўқитувчиларни хабардор қилади;

- иккинчи йўналиш – тест ва имтихонлар пайтида ўқувчиларни назорат қилишни таъминлаш ҳисобланади. Бу тизимда қоида бузилиши ҳолатларида сунъий интеллект дархол прокторга - тест ўтказиш жараёнини мониторингига жавоб берувчи мутахассисга хабар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахманов К.Х. Трансформация рынка труда в условиях внедрения искусственного интеллекта. экономика труда. Том 10, Номер 2, Февраль 2023. Russian Journal of Labor Economics ISSN 2410-1613;

2. G Abdurakhmanova. The role of the digital economy in the development of the human capital market. International Journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020. Issn: 1475-7192.

3. И. Алимардонов. Рақамли технологиялардан таълим тизимида самарали фойдаланиш. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil.

4. М Абдуллаев. Талабаларга таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil.

5. Building Knowledge Economies: Advanced Strategies for Development /The World Bank official website: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/6853>.

6. Human capacity in the field of digital development of Uzbekistan. Analytical review. © UNDP, 2022 (www.uz.undp.org).

7. Давлат Статистика Агентлигининг 2022 йил якуни бўйича расмий сайтидаги маълумоти.

8. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/5297046#5298678>).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон.

10. Oxford Insight -The Government Readiness Index ('20). <https://www.oxfordinsights.com/government-ai-readiness-index-2020>

11. Как искусственный интеллект может улучшить образование? // <https://www.unesco.org/ru/articles/kak-iskusstvennyy-intellekt-mozhet-uluchshit-obrazovanie>.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4022/2199-сон; 31.12.2020 й.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ТАЪСИРИ

Ғойипназаров Санжар Баходирович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси доценти, PhD*

Аннотация: Тадқиқотда сунъий интеллект имкониятлари ва уларни инсон ресурсларини бошқариш тизимига жорий этиш қандай ижтимоий ва иқтисодий таъсирларга эгалиги ҳамда бу таъсирнинг алоҳида жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон ресурслари соҳасидаги меҳнат жараёнлари, меҳнат унумдорлиги ва иш билан бандлик ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларининг ўзгаришига оид таҳлиллар ва илмий асослар муҳокама қиқлинган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, рақамли инсон ресурсларини бошқариш, инсон ресурсларини бошқариш трансформацияси, меҳнат жараёнларини автоматлаштириш

Annotation: The research examines the possibilities of artificial intelligence and the social and economic effects of its introduction into the human resource management system, as well as the specific aspects of this effect. The article also discusses the analysis and scientific basis of the changes in labor processes in the field of human resources, labor productivity and employment and labor protection in the conditions of the introduction of artificial intelligence.

Keywords: artificial intelligence, digital human resource management, human resource management transformation, work process automation

Кириш.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллектни корхоналар фаолиятига кенг жорий этиш қамрови кенгайиб бормоқда. Бу эса инсон ресурсларини бошқариш учун эҳтимолий имконият ва таҳдидларни юзага келтириши мумкин. Анъанавий инсон ресурсларини бошқариш асосан корхоналар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида кўприк вазифасини ўтаган бўлса, энди у машиналарни ўрганиш, қарорларни таҳлил қилиш, катта маълумотлар (Big Data) ва булутли ҳисоблаш (Cloud Computing) каби технологиялар билан интеграциялашни бошлади. Бу эса кадрлар бўйича менежерлар ишининг табиатини ўзгартиришга олиб келмоқда.

Сунъий интеллект келажакда инсон ресурсларини бошқаришга қандай ўзгаришлар олиб келади? Улар орасида сунъий интеллект технологияси ва инсон ресурсларини бошқариш тизимининг чуқур интеграциясининг муқаррар ривожланиш тенденциясидир. Инсон ресурсларини бошқаришдаги оддий ва транзакцион вазифалар сунъий интеллект билан алмаштирилгандан сўнг, инсон ресурсларини бошқариш тобора стратегик бўлиб боради ва иш мазмуни янада мураккаблашади, яъни инсон ресурсларини бошқариш модели аста-секин стратегик, ақлли бошқарувга ўтади ва корхоналар кўп сонли

анъанавий инсон ресурслари амалиётчиларини ўз касбларидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Хитойлик иқтисодчи олимлар Фанг Ксинг ва Лиу Ксинглар ўз тадқиқотларида инсон ресурсларини бошқариш соҳасида сунъий интеллектнинг чуқур интеграциялашувининг фойдаси жуда катта бўлиб, у инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириши, ходимларни тўғри ва муносиб танлашни рағбатлантириши, корхонанинг иш ҳақини бошқаришнинг илмий характерини яхшилаши ва бошқарувни ўзгартиришга ёрдам бериши мумкинлигини келтириб ўтадилар [1]. Бундан ташқари, соҳада тадқиқот олиб борган олимлар Строгмейер ва Пиазалар ўз тадқиқотларида сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири асосан олти жиҳатда ўз аксини топишини таъкидлаб, улар яъни сунъий нейрон тармоқ айланмасини башорат қилиш, билимлар базаси тизимига асосланган номзодларни қидириш тизими ва матнни қазиб олиш асосида инсон ресурслари ҳиссиётини таҳлил қилиш, генетик алгоритмга асосланган ходимларни режалаштириш тизими, маълумот олиш учун резюме маълумотлар йиғиш ва интерактив овозли жавоб учун ходимларнинг ўзига хизмат кўрсатиш мумкинлигини асослаб беришган [2]. Тадқиқотчи Жиа ва унинг жамоаси 2018 йилда “Сунъий интеллектга асосланган инсон ресурсларини бошқариш тизими (СИИРБ)” концепция моделини таклиф қилдилар, яъни сунъий интеллект “СИИРБ” тизимини яратиш учун инсон ресурсларини бошқаришнинг олти модули билан бирлаштирилиши мумкин: қарор қабул қилишга кўмаклашувчи ақлли тизим, ақлли баҳолаш тизими, инсон ва машинанинг ўзаро таъсири тизими, ходимларни ўқитишнинг ақлли тизими, консалтинг тизими ва ақлли рағбатлантириш тизими [3]. Шунингдек, инсон ресурсларининг асосий вазифаларига асосланиб, Строгмейер ва Пиазза сунъий интеллектга мос келадиган инсон ресурсларини бошқаришнинг концептуал моделини таклиф қилдилар, яъни кадрлар модели, самарадорликни бошқариш модели, ривожланиш модели ва иш ҳақи модели [4].

Ушбу тадқиқотда биз сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқариш соҳасида қўлланилиши ва ривожланишини учта жиҳатдан таҳлил қиламиз, яъни иш ҳақини бошқариш, истеъдодларни танлаш ва ўқитиш ва инсон ресурсларини бошқариш тизими.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган инсон ресурсларини бошқаришга сунъий интеллектнинг таъсири масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил,

мантикийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Сунъий интеллект технологиясининг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири икки томонлама бўлади. Ижобий таъсир нуқтаи назаридан: у баъзи ишларнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши, хатолик даражасини пасайтириши, инсон ресурсларини бошқаришнинг ташкилий моделини ўзгартиришни рағбатлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган инсон ресурсларини тақсимлаш ва иш ҳақини бошқариш тизимини оптималлаштириши мумкин. Салбий таъсир нуқтаи назаридан: сунъий интеллектнинг саноатда қўлланилиши келажакда кўплаб паст технологияли иш ўринлари йўқ қилиши мумкин, бу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган иш ҳақи даражасига таъсир қилади, бу эса иш билан бандлик инқирозига олиб келиши ва ҳатто вазиятни янада кучайтириши мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари инсон ресурсларини бошқариш сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, янги ходимларни ишга қабул қилишнинг аниқлигини оширади. Ишга қабул қилиш (рекрутмент) инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг биринчи бўғини бўлиб, у корхонанинг келажакда омон қолиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг ажралмас қисмидир.

Анъанавий ишга қабул қилиш корхона учун бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради: улардан биринчиси ишга қабул қилиш каналларининг чекланиши, бу эса керакли ходимларнинг дарҳол лавозимга келишини имконсиз қилади, бу ишга қабул қилиш вақтининг узайиб кетишига ва харажатларни ортиб кетишига олиб келади; иккинчиси - резюмеи текширишнинг қийинлиги, қабул қилинган резюмелар сони кўплиги ва чекланган ишчи кучи учун қисқа вақт ичида энг мос резюмеларни кўриб чиқишнинг қийинлиги; учинчиси - бир хил лавозимга кўп сонли номзодлар сараланса, бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш қийин бўлади; ўрта ва юқори лавозимларга ишга қабул қилишда кадрлар бўйича менежерларнинг кўникмалари етишмаслиги каби муаммолар мавжуд. Катта маълумотлар ва булутли ҳисоблашларга асосланган сунъий интеллект истеъдодлар ҳақидаги катта ҳажмдаги маълумотларни қамраб олиши ва корхоналарнинг истеъдодларга бўлган талаби ва бозорда истеъдодлар таклифи ўртасидаги номувофиқлик муаммосини яхши ҳал қилиши мумкин. Резюмеларни скрининг қилишда сунъий интеллект резюмеларни илмий текшириш учун ўзининг ҳисоблаш функцияларига таянади. Скрининг тезлиги ёки текширилган резюме ва маълумотларнинг мослик даражаси жиҳатидан, сунъий интеллект, шубҳасиз, одамлардан кўра анча устун ҳисобланади. Шу билан бирга,

сунъий интеллект вақт ва макон билан чекланмайди ва бир вақтнинг ўзида турли номзодлар учун тузилган суҳбатлар ўтказиши мумкин, бу эса инсон ресурсларини бошқариш бўлимининг иш юкини сезиларли даражада камайтиради. Бу соҳада ўтказилган амалий тажрибада, сунъий интеллект технологияси учун бир дона резюмени текшириш 2 ёки 3 сония етарли бўлиши маълум бўлди. Бу дегани СИ скрининг жараёнида инсондан кўра 28 минг баробар тез ишлашини англатади. Бундан ташқари, сунъий интеллект асосида ишлайдиган ақлли роботлар аввало номзодлар билан олдиндан режалаштирилган интервюларни ўтказиши ва суҳбатдошнинг жавоблари бўйича матнни таҳлил қилиши мумкин. Масалан, номзод оғзаки нутқидаги “стратегия” ва “режалаштириш” каби тегишли сўзларни аниқлаш орқали номзоднинг стратегик қарашлари ва фикрлаш даражасини аниқлаш; соҳадаги касбий луғатни таснифлаш ва идентификациялаш орқали номзоднинг чуқур билимга эга эканлигини аниқлаш қобилиятига эга бўлади. Шунингдек, сунъий интеллектни инсон ресурсларини бошқариш ва ишга ёллаш соҳасида қўллаш ходимларга хизмат вазифасида кўтарилиш имконини беради, иш берувчиларга касбий йўналиш ва ўқитишни бошқаришда қўл келади.

Инсон ресурсларини бошқаришда масаланинг яна бир муҳим жиҳати ходимларни ўқитиш самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Корхоналар томонидан ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш инсон капиталига сармоя киритишнинг асосий усули ҳисобланади ва ходимларни ўқитиш инсон капиталининг қўшилган қийматини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Ходимларни ўқитишда сунъий интеллект корхона инсон ресурслари менежерларининг иш самарадорлигини ва ўқитишнинг натижавийлиги, барқарорлиги ҳамда стандартлаштирилишини сезиларли даражада ошириши мумкин. Сунъий интеллект, ўқувчиларнинг таълим самарадорлигини ошириш учун шахсий фикр-мулоҳазаларни тақдим этиши мумкин. Сунъий интеллектдаги катта маълумотлар ва башорат қилиш функцияси корхоналар эҳтиёжларига кўра тўлиқроқ ўқитиш тизимини шакллантириши мумкин ва шу билан бирга, тингловчиларнинг таълим самарасини яхшилаш учун СИ орқали ўрганиш сценарийларини симуляция қилиши мумкин.

Иш ҳақини бошқаришни оқилона қўллаш орқали корхона иш ҳақи тизимини оқилона ҳисоблашни тарғиб қилиши лозим. “Инсонга йўналтирилганлик” корхона инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий тушунчасидир. Аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ва оқилона иш ҳақи тизими нафақат ходимларнинг ижодкорлиги ва иштиёқини сафарбар этиши, балки кучли рақобатдош инсон капитали бозорида истеъдодларни ҳам жалб қилиши мумкин. Инсон ресурсларини бошқариш соҳасида сунъий интеллектни қўллашни рағбатлантириш

юқоридаги муаммоларни яхшилаш имконини беради. Корхона ИРБ тизимига сунъий интеллект билан боғлиқ технологияларнинг чуқур интеграциялашуви баҳолаш кўрсаткичларининг яхлитлигини, баҳолаш даврларининг қатъийлигини ва компания ичидаги ички иш ҳақининг адолатлилигини сезиларли даражада яхшилайти. Бундан ташқари, сунъий интеллект катта маълумотлар (Big Data)га асосланган ҳолда саноатнинг ўртача иш ҳақи даражаси, худуднинг ишсизлик ва бандлик даражаси каби маълумотларга асосланган иш ҳақини илмий жиҳатдан лойиҳалаштира олади [5].

1) оилаларнинг даромади, айниқса, ковид-19 пандемияси шароитида ҳар бир аъзосининг даромадларига боғланиб қолганлиги, аёлларнинг иш ҳақининг миқдори оила бюджети ва фаровонлигида аҳамияти кескин ошмоқда;

2) таркибий ўзгаришлар натижасида аёллар меҳнатидан иқтисодиёт тармоқларида нотекис фойдаланилмоқда (асосан иш ҳақи паст тармоқларда бандилиги юқори);

3) аёллар малака ва касб лавозимларидан ўсиш имконияти чегараланганлиги сабабли, ўз маълумоти, малака ва кўникмаларига мос келмайдиган меҳнат билан банд бўлмоқда (кўп ҳолларда меҳнат сарфи юқори, қўл меҳнати ва юқори жисмоний қувватга асосланган, непрогрессив, монотон иш);

4) давлат томонидан аёллар учун белгиланган турли хил имтиёзлар ва тўловлар каби “ҳимояловчи” сиёсати иш берувчилар наздида аёлларнинг “ноқулай” ходим тоифасига киритиб қуймоқда;

5) ижтимоий инфратузилма ва маиший хизмат кўрсатувчи пунктларнинг етарли эмаслиги, кўп ҳолларда уй меҳнати етарли даражада механизациялашмаганлиги, мактабгача муассасаларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаганлиги хали ханузгача аёлларнинг иқтисодий фаоллигига катта таъсир кўрсатмоқда.

Миллий иқтисодиётда аёл меҳнатига доир муаммоларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий, психологик ва, албатта, гендер жиҳатларини ҳисобга олиб тадқиқ этиш зарур. Фикримизча, инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг методологиясини

айнан гендер тенглиги концепциясига асосланиб, қўйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олиши зарур:

- норматив-ҳуқуқий асос;
- иқтисодиётда тенг имкониятлар;
- натижаларнинг тенглиги.

Аёллар меҳнاتини ташкил этишда гендер тенглигини акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий асосни Ўзбекистон Республикасининг меҳнат, иш билан бандлик соҳасидаги қонунчилиги ҳисобланади. Аёлларнинг меҳнатига доир норматив-ҳуқуқий асоснинг шаклланганлиги қонунчиликнинг гендер экспертизаси ҳисобланади. Биз тадқиқотимиз доирасида аёллар меҳнاتини акс эттирувчи халқаро норма ва талаблар билан бир қаторда уларнинг республикада эмплементация қилиш даражасини ва миллий қонунчилик базасини тизимлаштиришга ҳаракат қилдик (1-жадвал).

1-жадвал

Гендер масалаларига доир халқаро ва миллий қонунчиликнинг мутаносиблиги

Йиллар	Халқаро қонунчилик	Миллий қонунчилик
1919	Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ХМТ №103 Конвенция (1952 йилда қайта кўриб чиқилган); Аёлларнинг тунги вақтда ва ер ости меҳнати тўғрисидаги ХМТ №89 Конвенция (1948 йилда қайта кўриб чиқилган)	13.07.1992 йилда ратификация қилинган; -
1951	Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги ХМТ №100 Конвенция	13.07.1992 йилда ратификация қилинган
1958	Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги ХМТ № 111 Конвенцияси	30.08.1997 йилда ратификация қилинган
1964	Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги ХМТ №122 Конвенция	13.07.1992 йилда ратификация қилинган
1965	Оилавий мажбуриятли аёллар меҳнати тўғрисидаги ХМТ №123 Тавсиянома	
1974	Ўқув таътиллари тўғрисидаги ХМТ № 140 Конвенция (8 ва 9-моддалари)	
1975	Инсон ресурсларини ривожлантириш тўғрисидаги ХМТ №142 Конвенция (VIII. Касбий тайёрлаш ва бандлик соҳасида эркак ва аёлларга тенг имкониятларни таъминлаш)	

Йиллар	Халқаро қонунчилик	Миллий қонунчилик
1979	БМТ Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция	6.05.1995 йилда ратификация қилинган
1981	Оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар тўғрисидаги ХМТ № 156 Конвенция ва № 165 Тавсиянома	
1994	Тўлиқсиз иш вақтини тартиб солиш тўғрисидаги ХМТ №175 Конвенция	
1996	Касаначилик тўғрисидаги ХМТ №177 Конвенция	
1998	Кичик ва ўрта корхоналарида иш жойларни яратиш бўйича ХМТ №189 Тавсиянома	
1999	Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги ХМТ №182 Конвенция	8.04.2008 йилда ратификация қилинган
2000	Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ХМТ №183 Конвенция (қайта кўрилган)	
2011	«Уй хизматчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида»ги ХМТ №189 Конвенция	

Манба: муаллиф томонидан тузилган

1951 йилда ХМТ нинг 100-сонли Конвенцияси ва 90-сонли Тавсияномада жинсдан қатъий назар тенг меҳнатга тенг ҳақ тўлашнинг асосий тамойиллари киритилди. 1958 йилда касбий таълим, ишга жойлашиш, меҳнат шароитларда жинсий жиҳатдан камситилмаслик тамойилини ўрнатиш мақсадида 111-сонли Конвенция ва 111-сонли Тавсиянома қабул қилинди.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, бугунги кунда аёллар меҳнатини ташкил этишда тўлиқ халқаро меъёрларга етказиш учун, мустаҳкам норматив базасини яратиш, авваламбор, халқаро нормаларни ратификация қилиш зарур.

Хулоса ва таҳлиллар

Таҳлиллардан маълум бўлдики, бугунги кунда аёллар меҳнатини ташкил этишда тўлиқ халқаро меъёрларга етказиш учун, мустаҳкам норматив базасини яратиш, авваламбор, халқаро нормаларни ратификация қилиш зарур.

Фикримизча, ХМТ нинг 123-сонли Тавсияномасини имплементация қилиш орқали оилавий мажбуриятли ходимларни камситилишини олдини олиш, ҳамда ишлаётган аёлларга турли хил вазифаларни уйғунлик билан бажариш имкониятларини яратишга эришилади. Шунингдек, 156-сонли Конвенция ва 165-сонли Тавсияномалар ҳам оилали аёлларни ходим сифатида камситилмасликка йўналтирилган. 1994 йилда ХМТ томонидан қабул қилинган 175-сонли Конвенция ва 182-сонли Тавсияномалар тўлиқ иш кунда ишлаётган ҳамда қисқартирилган ставкада банд бўлганларга, айниқса, аёлларга, тенг муносабат кўрсатишга йўналтирилган. 1996 йилдаги 177 ва 189-сонли Конвенциялар ва 184-сонли Тавсияномага мамлакатимизда тўлиқ риюя қилинса, миллионлаб уй шароитида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимлар, шу жумладан аксарияти аёлларнинг меҳнат ҳолати ва шароитларнинг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда жамиятимизда аёллар меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириш жараёнини айнан халқаро ва миллий қонунчиликни тадқиқ этиш ва методологиянинг асосини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига келтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиеёв Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда \ \ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси 17.08.2021 \ \ <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

2. Абдурахманова, Г. К. Роль МОТ в формировании и регулирование рынка труда молодежи / Г. К. Абдурахманова, Ш. Д. Кудбиев // General question of world science : Collection of scientific papers on materials VIII International Scientific Conference, Amsterdam, 31 июля 2019 года. Том Part 1. – Amsterdam: "Наука России", 2019. – С. 50-55. – DOI 10.18411/gq-31-07-2019-09. – EDN ZQLEIQ.

3. Ирматова А.Б. Анализ гендерных различий на рынке труда Узбекистана // Экономика и образование №23, 2022, 297-301 стр.

4. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

5. <http://www.ilo.org> – Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

6. <http://www.mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий сайти.

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА КАДРЛАР АУДИТИНИНГ РОЛИ

Бакиева Ирода Акбаровна

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси доценти, и.ф.н.*

Аннотация. Ушбу мақолада инсон ресурсларини бошқариш тизимида кадрлар аудитининг ўрни, корхона ва ташкилотларда кадрлар аудитини ўтказишнинг долзарб жиҳатлари, зарурати асосланган. Кадрлар аудитига бўлган турли назарий ёндашувлар асосида қиёсий таҳлиллар амалга оширилган ва ушнинг моҳиятини аниқлаштиришга нисбатан муаллифлик ёндашуви берилган. Кадрлар аудитини ўтказишнинг ташкилий жиҳатлари даражаларга бўлиниб ўрганилиб, ҳар бир даражада амалга ошириладиган ишлар тафсифланган ҳамда аудит объекти, йўналишлари, бу жарёнга қўйиладиган талаблар ёритилган ҳамда кадрлар аудитида қўлланиладиган ҳужжатлар таснифланган. Ўрганилаётган муаммо бўйича умумий хулосалар қилиниб, бизнес субъектлари учун кадрлар аудитини ўтказиш йўналишлари бўйича аниқ тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Инсон ресурсларини бошқариш, аудит, кадрлар аудити, кадрларни баҳолаш, кадрлар аудити даражалари.

Annotation. This article describes the need for a personnel audit in the personal resource management system, as well as a personnel audit in the personal resource management system. The HR audit was conducted on the basis of the data obtained during the audit, during which inconsistencies were identified in the quality indicators and the quality of the data obtained during the audit. Personnel audit is carried out to the extent to which it is carried out, and to the same extent to which it is carried out, which describes the object of the audit, its characteristics, requirements for this jargon. According to the Deputy head of the Ministry of Economic Development, recommendations on conducting a personnel audit have been provided for business entities.

Keywords. Human resource management, audit, personnel audit, personnel Assessment, personnel audit levels

Кириш

Сўнгги ўн йилликларда дунёнинг етакчи компаниялари ходимларни стратегик манба сифатида кўриб чиқишни ва инсонга нафақат ишлаб чиқаришнинг "жонли" омили, балки шахс сифатида ҳам муносабатда бўлишни бошладилар. XX аср охирларидан бошлаб замонавий ишлаб чиқаришда инсоннинг ролига янгича қарашни ифодалаш учун иш берувчилар томонидан ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблари билан бир қаторда инсонларнинг ижтимоий-маданий, шахсий ва психологик хусусиятларини, шу жумладан уларнинг эҳтиёжлари, мотивлари, ҳислари, қадриятларга бўлган муносабатни ҳисобга олган ҳолда "инсон ресурслари" атамаси қўлланилмоқда.

Айнан шахсий омилни ҳисобга олиш зарурати ходимларни бошқаришнинг инсон ресурсларини бошқаришга босқичма-босқич

Ўзгаришига олиб келмоқда ва ушбу тушунчалар ўртасидаги чегара бўлиб хизмат қилмоқда. Илгари ишловчиларнинг фаолияти бошқа ресурсларни истеъмол қилиш билан белгиланар эди, ammo бугунги кунда вазият мутлақо тескари бўлиб, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бутунлай инсонларга боғлиқ бўлмоқда. Шу жиҳатдан, инсон ресурсларини бошқаришда дунёнинг етакчи ташкилотлари томонидан кадрлар аудитига зарурий жараён сифатида қаралмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аудит тушунчасининг мазмунини аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мурожаат қилганимизда бу тушунчага аниқ таъриф берилмаганлигини кўрдик. Бироқ, айрим интернет сайтларида аудит тушунчасига таърифларни кўриш мумкин. Жумладан, “Qomus.info onlayn ensiklopediya”да қуйидаги таърифни кўриш мумкин: “АУДИТ (инг. audit— у эшитади) — муайян ваколатлар берилган шахслар — аудиторлар (аудиторлар фирмалари) томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операцияларининг мамлакат қонунларига мувофиқлигини текшириш мақсадларида ўтказиладиган молия ҳужжатлари экспертизаси ва таҳлили; тафтиш”[4].

Россиянинг 2008 йил 30 декабрда қабул қилинган N 307-ФЗ сонли “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунида “аудит аудиторларнинг (аудиторлик фирмаларининг) бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларни, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни ва хўжалик юритувчи субъектларнинг талабларини мустақил равишда идоравий бўлмаган текширувларини ўтказиш, шунингдек бошқа аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти” –деб таърифланади[5].

Келтирилган таърифлардан кўринадики, аудит тушунчаси хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий операцияларини ўрганишга нисбатан қўлланилади.

Америка бухгалтерия Ассоциациясининг бухгалтерия ҳисобининг асосий тушунчалари бўйича қўмитаси аудитга кенгроқ таъриф берди: “Аудит – бу иқтисодий ҳаракатлар ва ҳодисалар тўғрисида объектив маълумотларни олиш ва баҳолаш, уларнинг маълум бир мезонга мувофиқлик даражасини белгилаш ва натижаларни манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим етишнинг тизимли жараёни”[6]. Ушбу таъриф бизга “аудит” тушунчасини кўпроқ ташкилий муаммоларга нисбатан қўллашга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, аудитнинг моҳияти ташкилотда юзага келадиган муаммоларнинг сабабларини аниқлаш, уларнинг аҳамияти ва

ҳал қилиш имкониятларини баҳолаш ва ташкилот учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Сўнгги йилларда кадрлар аудитига қизиқиш ортиб бормоқда, буни ижтимоий ва меҳнат муносабатларини ўрганаётган маҳаллий иқтисодчиларнинг асарлари ҳам тасдиқлайди. Ташкилотда кадрлар рақобатбардошлигини бошқариш, ҳар бир ходимнинг ташкилот умумий мақсадларига қўшаёган ҳиссасини аниқлаш учун уларни баҳолаш воситалари бўлиши талаб этилади, бу жараёнлар кадрлар аудитида амалга оширилади. Профессор Ю. Г. Одегов, кадрлар аудитини «юзага келаётган ташкилий муаммоларни ташхислаш ва уларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар бериш орқали ташкилот самарадорлигини узоқ муддатли такомиллаштиришнинг кенг қамровли расмийлаштирилган усули»[7] деб таърифлайди. Унинг фикрича, замонавий ташкилотларда кадрлар аудити қуйидагиларни аниқлашга имкон беради: ходимларни бошқариш тизимининг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар; кадрлар ва кадрларга бўлган эҳтиёж даражаси (номзоднинг вакансия талабларига мувофиқлигини баҳолаш; ходимларнинг янги лавозимга кўтарилишга тайёрлигини баҳолаш; иш мажбуриятлари ва талабларини шакллантириш); касбий ривожланиш эҳтиёжлари (ўқитиш ва ўқитишда кадрлар эҳтиёжларини аниқлаш); ижтимоий-психологик иқлим (ходимлар ва номзодларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш; ходимларнинг мувофиқлигини баҳолаш; ташкилотда ходимларни тақсимлаш (ходимларни самарали бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, самарали жамоани шакллантириш). Кадрлар аудити, шунингдек, қуйидаги масалаларни ҳал қилишга ҳисса қўшиши керак: кадрлар сонининг, касбий ва малака даражаларнинг, ўртача разрядлар, самарадорлик даражаси ва бошқа миқдор кўрсаткичларнинг лойиҳалардаги зарурийга мувофиқлиги; ходимлар ва бўш лавозимга даъвогарларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш. Кадрлар аудитини ўтказиш кадрлар харажатларини оптималлаштиришга ёрдам беради, бу кўпчилик ташкилотларнинг иқтисодий беқарорлиги шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Бошқа россиялик таниқли олим А.Я.Кибановнинг таъкидлашича «Кадрлар аудити-бу молиявий-иқтисодий аудит билан бир қаторда ташкилотнинг кадрлар потенциалининг мақсадлари ва ривожланиш стратегиясига мувофиқлигини аниқлашга имкон берадиган консалтинг ёрдами, таҳлилий баҳолаш ва ташкилотнинг кадрлар салоҳиятини мустақил экспертизадан ўтказиш тизими; ташкилотнинг кадрлар ва бошқарув тузилмаларининг мувофиқлиги. мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил этиш; ташкилот ходимлари, уни бошқариш, алоҳида таркибий бўлинмалар олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун кадрлар ишининг самарадорлиги; ташкилотда юзага келадиган ижтимоий муаммолар (хатарлар) сабаблари ва уларни ҳал қилиш ёки

уларнинг салбий таъсирини камайтиришнинг мумкин бўлган усуллари” [8].

Умуман олганда, ҳозирги вақтда "кадрлар аудити"нинг расмий тушунчаси мавжуд эмас. Кўриб турганимиздек, илмий адабиётларда бу тушунчанинг турли талқинлари мавжуд бўлиб, ушбу тушунчага нисбатан ёндашувларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ таърифларда кадрлар аудитига инсон ресурсларини бошқариш воситаси сифатида қаралса, иккинчи гуруҳ таърифларда ходимларни меҳнат натижаларига ва ташкилот стратегияларига мос келиши жиҳатидан баҳолаш таҳлили сифатида кўрилади.

Инсон ресурсларини бошқариш соҳаси олимлари ва мутахассисларининг фикрига кўра кадрлар аудити ходимларнинг салоҳиятини бошқариш муҳитида заиф ва кучли позицияларни баҳолаш ва аниқлаш[9]; ходимлар билан ишлашда тегишли стратегик моделни[10] танлаш қобилияти; ташкилотда кадрлар билан ишлаш сиёсатини ва соҳага қараб[11] ижтимоий шериклик усулларида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш[12]; мақсадларга эришиш учун нима қилиш кераклигини тушуниш; кадрлар ишининг сифатини баҳолашнинг квалиметрик[13] тизими; ходимларнинг бизнес ва касбий ваколатларини баҳолаш тизими[14] ва бошқаларни таъминлайди.

Адабиётларда берилган назарий ёндашувларни умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкин-ки, кадрлар аудити – бу компаниянинг кадрлар салоҳияти экспертизаси жараёни бўлиб, унда кадрлар салоҳиятини компания стратегияси билан таққослаш, инсон ресурсларини бошқариш жараёнлари компания мақсадларига қандай мос келишини тушуниш, ташкилотда юзага келадиган муаммолар учун зарур шарт-шароитларни аниқлаш ва уни амалга ошириш усуллари излаб топиш имконияти бўлади. Кадрлар аудитининг натижаси компаниянинг амалдаги корпоратив маданияти ва ривожланиш стратегиясига мувофиқ ходимларни бошқариш тизимини яратиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот методологияси

Мақола кадрлар аудити масалаларига бағишланган илмий иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида ёзилган. Олимларининг асарларида таклиф қилинган ушбу концепциянинг таърифлари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Мақолани ёзишда мавҳум-манتيқий усул қўлланилди, бу муаллифнинг иқтисодий категориялар таърифини шакллантиришга, кадрлар аудитининг мақсадларини тўлдиришга, кадрлар аудитининг босқичлари ва объектларини шакллантиришга ҳамда ташкилий жиҳатларини аниқлаштиришга имкон берди.

Таҳлил ва натижалар

Инсон ресурсларини бошқариш тизимида диагностика иши кадрларни бошқариш бутун тизимининг самарадорлигини чекловчи энг

заиф қисм сифатида эътироф этилиши мумкин. Инсон ресурсларини бошқаришда кадрлар аудити уларнинг ташкилотдаги фаолияти тўғрисида ахборот тўплашга асосланади. Ушбу фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш жуда қийинлиги бу жараён мураккаблигининг асосий сабабидир. Фойдаланиладиган кўплаб кўрсаткичлар субъектив бўлиб, уларнинг аҳамияти ва мазмуни муайян вазиятга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича Тадбирлар Дастури тасдиқланган [1]. Ушбу Фармон билан белгиланган вазифалар ва талабларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 28 июлда “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган ҳамда мазкур қарор билан “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом [2] талаблари асосида амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, республика давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар маъмуриятчилигининг замонавий усулларини илғор халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш мақсадида 2019 йил 3 октябрь санаси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сон қарори имзоланди [3].

Хозирги кунда Агентлик томонидан Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (KPI) ривожлантириш ва уни татбиқ қилиниши ҳамда доимий равишда давлат иштирокидаги корхоналар ижроия органи фаолиятининг самарадорлиги ва ишчи ходимлар фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ташкилотнинг ташкилий ривожланиши эҳтиёжларини қондирадиган инсон ресурсларини баҳолашнинг ҳуқуқий базаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга таянади.

Бироқ, давлатнинг кадрларни бошқариш соҳасидаги амалга ошираётган чора-тадбирлари давлат бошқаруви соҳасигагина тегишли

бўлиб, мамлакатнинг хусусий секториди кадрлар аудитини олиб бориш амалиёти кенг тарқалишга улгурмаган.

Кадрлар аудитини ташкилотнинг старатегик мақсадларига эришишдаги ролини юқори баҳолаган холда, бизнес субъектлар унинг ташкилий жиҳатларига эътиборни қаратишлари лозим бўлади.

Ташкилотларда кадрлар аудит иккита даражада ўтказилади [15]. Статегик даражада инсон ресурсларини бошқариш сиёсатининг ташкилот мақсадлари, унинг глобал стратегияси билан мувофиқлашганлик даражаси аниқланади. Текшириш юқори раҳбариятнинг ташаббусига кўра амалга оширилади. Аудиторлар раҳбарлардан интервьюлар олиш, бизнес-режаларни кўриб чиқиш, бошқарувнинг ички ва ташқи омилларини аниқлаш йўли билан компания стратегиясини ўрганиб чиқади. Шунингдек, мазкур даражада фирманинг атрофидаги муҳит, унинг кучли ва заиф томонлари, таваккалчиликлар ва имкониятлар ҳар томонлама баҳоланади.

Бошқарув назорати мунтазам раҳбарлари ишининг персонални бошқариш соҳасидаги стратегик ва функционал фаолият ишига мос келишини текширишни назарда тутлади.

Аудит келгусида кузатувчи ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳатоларни аниқлаб бериши керак. Айниқса ушбу ҳаракатларнинг қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилганлиги муҳим ҳисобланади.

Аудиторлик хизматлари иккита умумий кўринишга бўлинади:

- персонални бошқариш тизимини таҳлил қилиш сифатида кадрлар аудити (HR-аудит);

- ташкилотда кадрлар ҳисобини юритишнинг мамлакатнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мос келишини таҳлил қилиш сифатида кадрлар аудити.

Кадрлар аудити биринчи кўринишининг (HR) мақсади персонал ишини такомиллаштиришдан иборат. Бунинг учун аудиторлар ташкилот раҳбарларига ташкилотнинг мавжуд инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари юзасидан тавсиялар, жазо чоралари, рағбатлантириш ва мотивациялаш тадбирларини ўзида мужассам этган ҳисоботни тақдим этадилар. Кадрлар аудитининг иккинчи хили «аудиторлик фаолияти» тушунчасига анча яқин бўлиб, бунда бухгалтерия ҳужжатларини молиявий текшириш ва тафтиш қилиш тушунилади. Мазкур ҳолатда аудит меҳнат, фуқаролик, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари кесимида кадрлар ҳисобининг юритилишини баҳолашдан иборат бўлади. (1-жадвал).

Кадрлар аудитини ўтказиш босқичлари ва объектлари

Кадрлар аудити босқичлари	Кадрлар аудити объектлари ва йўналишлари
Кадрлар харакати	кадрлар кўнимсизлиги (ходимларнинг ўз хохишига кўра ва меҳнат интзомини бузганлиги учун ишдан бўшаши)
Кадрларни ўқитиш	кадрларни ўқитиш усуллари; кадрларни ўқитиш тизими самрадорлиги; ўқитиш тизими дастурларининг компания стратегик мақсадларига мос келиши.
Кадрлар аттестацияси	кадрлар билим, малака ва кўникмаларининг лавозим йўриқномасига мос келиши; кадрларнинг зарурий иш тажрибаларини текшириш. кадрлар фаолияти натижаларини баҳолаш.
Кадрларни баҳолаш	кадрларнинг сифат таркиби бўйича мослиги.
Кадрларни рағбатлантириш	меҳнатга ҳақ тўлаш ҳолати; штатлар жадвали; бухгалтерлик ҳужжатлари.
Кадрларни ривожлантириш	кадрлар резервининг мавжудлиги; кадрлар резервидаги ходимларни ўқитиш ҳолати; кадрларнинг лавозимда кўтарилиши.
Кадрларнинг касбий стандартларга мос келиши	касбий стандартларда кўзда тутилган лавозимларнинг штатлар жадвалига мослиги; малака талабларига амал қилиниши; иш тажрибалари талабларига амал қилиниши; махсус шароитлардаги ишларни бажариш.
Кадрларни компанияга содиқлик ва хвфсизлик нуқтаи-назаридан баҳолаш	компанияга содиқ бўлмаган ходимларни аниқлаш; кадрлар хавфсизлигига салбий таъсир қилувч омилларни аниқлаш; кадрлар сиёсатини таҳлили.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Аудиторлар қуйидагиларни текшириб, таҳлил қилади:

- ташкилот томонидан ўтказилган операциялар қонунчилик ва норматив ҳужжатларга мос келиши;

- ўтказиладиган операциялар ва молиявий натижаларни ташкилотнинг кадрлар, солиқ ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалиги;

- фаолиятнинг энг жиддий таваккалчиликларини ва уларни назорат қилиш усулларини аниқлаш мақсадида кадрлар ҳисобини юритиш, ички назорат ва ҳужжатлар айланиши тизими ташкил этилганлиги.

Одатда, иккинчи кўринишдаги кадрлар аудитини ўтказишда аудиторлар:

1) кадрлар ҳисобини юритишнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мос келишини текширади;

2) ташкилот томонидан тузилган меҳнат шартномаларини таҳлил қилади;

3) меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини юритиш бўйича дастлабки ҳисоб юритиш ҳужжатларини, яъни:

– ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);

– ходимларни бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);

– ходимларга таътил бериш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);

– ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини тўхтатиш (бекор қилиш) (ишдан бўшатиш) тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);

– ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар);

– ходимларни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқлар;

– хизмат сафарлари гувоҳномалари;

– хизмат сафарига юбориш учун хизмат топшириқлари ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар;

– таътиллер графиклари;

– ходимларнинг шахсий карточкалари;

– штат жадвали;

– иш вақти ҳисобини юритиш табелларини расмийлаштиришнинг тўғрилигини текшириши мумкин;

4) ходимларнинг шахсий йиғмажилдларини шакллантиришнинг тўғрилигини текширади;

5) ходимлар меҳнат дафтарчаларини юритиш тартибини текширади;

6) ташкилот ички норматив ҳужжатларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши тўғрисидаги фикрни ифодалаш мақсадида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

7) хорижлик ходимларни жалб қилишнинг тўғрилигини текширади;

8) жисмоний шахслар билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни текширади;

9) жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва тўлашнинг тўғрилигини текширади;

10) ягона ижтимоий солиқ ва пенсия бадалларини тўлашнинг тўғрилигини текширади;

11) ташкилот фойдасининг солиқ базасини аниқлашда ходимлар томонидан меҳнат функцияларининг ижро этилиши ёки ишларнинг бажарилиши (хизматлар кўрсатилиши) муносабати билан жисмоний шахсларга тўланган суммаларнинг харажатларга киритишнинг тўғрилигини текширади.

Албатта, мазкур ҳолатда корхонадаги мавжуд барча ҳужжатлар баҳоланади (2-жадвал).

Жадвалдан кўриб турганимиздек, барча корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ва кадрлар хизматларининг ўзаро алоқадорлиги мавжуд бўлиб, кадрларга оид ҳужжатларнинг ёки бу бухгалтерлик операцияларни бажарилишида роли катта. жумладан, ходимларга тўланадиган иш ҳақининг муддатида берилиши кадрларга оид буйруқларнинг ўз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқ.

2-жадвал

Кадрлар аудитига тегишли ҳужжатлар

Кадрлар ҳисоби бўйича ҳужжатлар	Бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳужжатлар
Меҳнат шартномалари	Иш ҳақи бўйича ҳисоб юритиш методикасини регламентловчи базавий ҳужжатлар (Ҳисоб сиёсати)
Меҳнат таътиллари графиги	Меҳнат таътиллари графиги
Штатлар рўйхати	Иш вақтидан фойдаланиш табели
Меҳнат дафтарчалари	Иш ҳақини бухгалтерлик ҳисоби регистрлари
Иш вақтидан фойдаланиш табели	Бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлари
Шахсий таркиб бўйича буйруқлар	
Ходимларнинг шахсий ишлари	

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Шунинг учун кадрлар аудитининг иккинчи кўринишини фақат профессионаллар ўтказиши керак. Бу ички назорат хизмати (ички аудит) ходимлари ҳам, ташқи аудиторлик компанияси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, ташқи фирма ўз ички назорат хизматига қараганда маълум устунликларга эга (иқтисодиётнинг турли тармоқларида кенг тажриба, кўп соҳага ихтисослашган мутахассислар жамоалари, кўрсатилган хизматларнинг сифатини кўп босқичли назорат

қилиш, баҳолаш ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг текширилган методикалари ва б.).

Профессионал HR -аудит маслаҳатчилар у ёки бу бўлинмада ҳар кунлик иш предметини кузатишни, ушбу кузатиш ёрдамида қарорлар қабул қилиш амалиёти, интервью олиш ва ҳоказоларни назорат қилишни тавсия этишади. Кадрлар аудити доирасидаги тадқиқотлар йўналишларига аниқлик киритиш мақсадида персонални бошқариш тизимини оптималлаштириш учун биринчи галда эътибор қаратишни талаб қиладиган зоналарни аниқлаб берувчи дастлабки ташхис амалга оширилиши мумкин. Тўлиқ кўламли кадрлар аудити диагностик операцияларнинг юқорида келтирилган изчиллиги шаклида энг узоқ муддатли самарадорликка эга бўлади.

Хулоса

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкилдаш мумкинки, кадрлар аудитини ўтказиш жараёни ўзига хос мураккабликка эга бўлиб, бу жараёнда бир нечта бўлимлар фаолияти ўрганилади. Кадрлар ҳисоби аудити ўтказилганда аудитор ходимларнинг ҳақиқатдаги сони ва таркибини ўрганса, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби аудитида эса иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг тўғри ҳисобланганлигининг қонунийлиги текширилади. Умуман олганда, кадрлар аудитини ўтказиш кадрларга бўлган эҳтиёж ва кадрлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш, уларни ўқитиш, ходимларнинг инновацион салоҳиятини аниқлаш, шунингдек, ташкилот ичидаги ходимларни иерархия даражалари ва функционал соҳалар бўйича тақсимлашни тартибга солиш имконини беради.

Кадрлар аудитининг белгиланган йўналишлари доирасида биз бизнес субъектлари учун қуйидаги жараёнлардан фойдаланишни тавсия қиламиз:

1. Ташкилотнинг кадрлар салоҳиятини, ходимларнинг қўнимсизлигини, айниқса ўз хоҳишига кўра бўшашлар сабабларини таҳлил қилиш. Аудитор кадрлар алмашинуви тезлигига алоҳида эътибор бериши керак. Ушбу коэффициентнинг меъёрий белгиланган қиймати йўқ. Шунинг учун аудитор мустақил равишда тегишли соҳа учун қўнимсизликнинг мақбул коэффициентини аниқлаши ва уни амалдаги билан таққослаши керак, бунинг асосида ташкилотдаги кадрлар сиёсатининг ҳолати тўғрисида тегишли хулосалар чиқарилади.

2. Ходимларни ҳисобга олиш ва ривожлантириш бўйича штат жадвали, иш ҳақи тўғрисидаги низом, ходимларни ўқитиш тўғрисидаги низом, ходимларни сертификатлаш тўғрисидаги низом каби меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш.

3. Ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш ҳолатини таҳлили. Иш ҳақини таҳлил қилишда аудитор бухгалтерия ҳужжатларини, асосий

ва кўшимча иш ҳақини ҳисоблашнинг қонунийлиги, шунингдек иш ҳақидан ажратмаларнинг тўғрилигини текширади.

4. Ходимларни баҳолаш: бунда ходимларни профессионал стандарт талабларига мувофиқлиги баҳоланади.

5. Ходимлар хавфсизлигини баҳолаш. Бу йўналишдаги кадрлар аудитини ўтказишда ходимларнинг ташкилотга содиқлигини пасайишига олиб келадиган ва ходимлар хавфсизлигига таҳдид соладиган омилларни ўрганиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли фармони. 2015 йил 24 апрел.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори. 2015 йил 28 июл.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сон қарори. 2019 йил 3 октябрь.

4. “Qomus.info” электрон энциклопедия (<https://qomus.info/oz/encyclopedia/a/audit/>)

5. Федеральный закон от 30.12.2008 N 307-ФЗ "Об аудиторской деятельности" (принят ГД ФС РФ 24.12.2008) // "Российская газета", N 267, 31.12.2008

6. Робертсон Дж. Аудит. Пер. с англ. М., 1993. С.4.

7. Одегов Ю.Г., Никонова Т.В. Аудит и контроллинг персонала: Учебник. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2010. – 672 с. с. 152.

8. Управление персоналом организации Учебник / Под ред. А.Я. Кибанова. — М.: ИНФРА-М, 2005. — 638 с. с. 618.

9. Кондауров М.Ю. Кадровый аудит как составляющая кадрового менеджмента на предприятии// Известия Волгоградского государственного технического университета– 2012.– №13, Т. 7.– С. 93–97.

10. Назаренко М.А., Дзюба С.Ф., Котенцов А.Ю., Духнина Л.С., Лебедин А.А. Организационная культура в системе управления персоналом// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований– 2013.– №7.

11. Никонов Э.Г., Назаренко М.А. Модель кафедры в системе менеджмента качества образования// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований– 2013.– №1.– С. 146.

12. Духнина Л.С., Лысенко Е.И., Назаренко М.А. Основные принципы социального партнерства в сфере труда и доверие к ним со стороны работающей молодежи// Международный журнал экспериментального образования– 2013.– №4.– С.174–175.

13. Иванов А.В., Акимова Т.И., Назаренко М.А. Качество трудовой жизни и возможности использования системы менеджмента качества в сельскохозяйственной отрасли// Современные наукоёмкие технологии– 2013.– №1.– С.124–125.

14. Назаренко М.А., Топилин Д.Н., Калугина А.Е. Квалиметрические методы оценки качества объектов в современных научных исследованиях// Успехи современного естествознания– 2013.– №7.– С.175.

15. I.A.Bakiyeva. Personal auditi va nazorati. Darslik. – T.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021, 216 bet.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ ТУРЛАРИ

Рахматуллаева Шахноза Хамидовна

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада Қашқадарё вилояти корхоналарида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КПИ) тизими асосида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари концепциясининг эволюцион ривожланиш bosқичлари ва замонавий баҳолаш турлари назарий ва амалий таҳлили амалга оширилиб, ходимлар меҳнат фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимига таъсир этувчи моддий ва номоддий рағбатлантириш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, ташкил этилган меҳнат ва бошқарув тизими ҳамда улар учун пировард ҳисобланган ходимлар қўнимсизлиги ижтимоий сўровнома натижалари асосида таҳлил этилган, тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КПИ) тизими, меҳнат фаолияти натижадорлиги, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш, ходимларни рағбатлантириш, ходимлар қўнимсизлиги.

Аннотация: В статье проведен теоретический и практический анализ этапы эволюционного развития и современных видов оценки концепции показателей эффективности труда на основе системы важных показателей эффективности (КПИ) предприятий Кашкадарьинской области. Материальное и нематериальное стимулирование, влияющее на систему оценки эффективности трудовой деятельности работников, обучение и повышение квалификации работников, организованная система труда и управления, а также жалатность работников, для которых является конечной, проанализированы на основе результатов социального опроса, разработаны соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: Система ключевых показателей эффективности (КПИ), результативность работы, обучение и развитие работников, организация труда, мотивация работников, неудовлетворенность работников.

Abstract: The article provides a theoretical and practical analysis of employee performance evaluation based on the system of key performance indicators (KPIs) at industrial enterprises of Kashkadarya region, material and non-material incentives affecting the system of employee performance evaluation, training and, based on the results of a social survey, analyzed the professional development of employees, organized labor management system and employee dissatisfaction, considered as the final the result for them, according to the results of the social survey, relevant conclusions and proposals have been developed.

Key words: Key performance indicators (KPI) system, performance of work, training and development of employees, organization of work, motivation of employees, employee dissatisfaction.

Кириш

Жаҳон мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражаси турли халқаро рейтинглар орқали баҳолаб борилади. Уларга Жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳисобланадиган Глобал инновацион индекс (ГИ),

Технологик тайёргарлик индекси (NRI), Ахборот-коммуникация технологиялари индекси (GITR), Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI)ни киритиш мумкин. Ушбу рейтингларда илмий-техника салоҳияти юқори, фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар етакчи мавқега эга. Етакчи корхона ва ташкилотларда KPI (Key performance indicator) яъни асосий меҳнат самарадорлик кўрсаткичини баҳолаш тизимидан кенг фойдаланиб келади.

Корхонада ходимлар меҳнат фаолиятини баҳолаш, самарадорликни ўлчаш ва уни баҳолаш ходимларни бошқариш тизимининг муваффақиятли ишлаши учун зарурий шартдир. Ҳозирги вақтда кўплаб компаниялар ўз ходимларининг ишбилармонлик фаолиятини “Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари” (KPI) тизимига мувофиқ баҳолашмоқда.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (инг. Key Performance Indicators, KPI) – бу корхона ва ташкилотлар учун фаолиятда натижадорликни таъминлашда стратегик ва тактик мақсадларга эришишни аниқлашга ёрдам берадиган баҳолаш тизимидир. Улардан фойдаланиш ташкилотга унинг ҳолатини баҳолаш имкоини тақдим этади ва стратегияни амалга оширишни баҳолашда ёрдам беради.

Адабиётлар таҳлили

Фаолият самарадорлигини ўлчашда ва муҳим кўрсаткичларини баҳолаш узок эволюцион ривожланиш босқичларига эга ҳисобланади.

Муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ҳақидаги илк тушунчалар XX асрнинг 50-йилларида Питер Друкернинг “Мақсадга сари бошқариш” ғояси орқали шакллана бошланган.

П.Друкернинг фикрича, “натижадорликка эришиш учун самарадорлик кўрсаткичлари билан алоҳида шуғулланиш керак ва раҳбарларни кундалик ишлар билан банд қилмасдан, белгиланган устувор вазифалар ҳамда асосий мақсад сари фаолият олиб бориши учун самара берадиган кўрсаткичлар билан шуғулланиш керак”.[1]

1990-йилларда самарадорлик кўрсаткичлари турли соҳаларда, энг муҳими, ҳукуматда машҳурликка эришди. Самарадорликни бошқариш тизимларининг барча татбиқлари силлиқ эмас эди ва баъзида улар яхшилиқдан кўра кўпроқ зарар келтирди. Бироқ, яхши ва ёмон тажрибалар амалиётдан ўрганиш орқали чора-тадбирлардан фойдаланиш бўйича кўпроқ асосли қарорлар қабул қилишга ёрдам берди.

Бу тарих бизни қаерга олиб боради? Амалиёт бошқарув концепцияларининг пайдо бўлишига олиб келди, аксинча эмас. Самарадорлик ўлчовларидан фойдаланиш вақт ўтиши билан органик равишда ривожланди.[2]

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунга қадар тадқиқотчилар “муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” тушунчасини аниқлашга ягона ёндашувни ишлаб чиқишга зарурат сезишмаганлар. Ушбу

концепциянинг турли хил таърифларини ўрганиш асосида муҳим самарадорлик кўрсаткичлари табиати ва кўлами бўйича маҳаллий фанда ривожланган иккита нуқтаи назарни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчисига кўра, муҳим самарадорлик кўрсаткичлари стратегик корхоналарни бошқариш воситаси сифатида қаралади. Иккинчисига кўра, муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш фақат ходимларни бошқариш соҳаси билан чекланган. Бизнинг фикримизча, ходимларнинг иш фаолиятини баҳолаш учун фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар, агар улар корхона олдида турган муаммоларни ҳал қилишга бўйсунадиган бўлса, стратегик бошқарувнинг элементи ҳисобланади.

Муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизимининг таркибий қисмларини кўриб чиқиш жараёнида Р. Каплан ва Д. Нортон идрок этиш қийин бўлган кўплаб аналитик кўрсаткичлар орасида асосийларини ажратиб кўрсатишни таклиф қилдилар. Классик кўрсаткичлар картасида тўртта блок мавжуд:

- биринчи блок - компаниянинг миссияси ва стратегияси;
- иккинчи блок – ички бизнес жараёнлари;
- учинчи блок – кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тўртинчи блок - маҳсулот ёки хизматлар истеъмолчилари.[3]

Ўз навбатида, блокларнинг ҳар бири мақсадлар, кўрсаткичлар, вазибалар, тадбирларни ўз ичига олади.

Н.Кондрашева фаолият самарадорлиги муҳим кўрсаткичларининг (КРІ) учта турини аниқлайди:[4]

- биринчи тур - ишларнинг умумий ҳолатини кўрсатувчи КРІ;
- иккинчи тур – бизнес жараёнларининг кўрсаткичлари (аниқ нима қилиш кераклигини кўрсатиш);
- учинчи тур - самарадорликни қандай ошириш мумкинлигини кўрсатувчи самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизими.

Г. Еремина самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизимининг учта компонентини ажратиб туради:[5]

- биринчи компонент - “компетенциялар” (ходим эгаллаб турган лавозимининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ваколатларни аниқлаш ва талабларга мувофиқлигини баҳолаш орқали ходимларни баҳолашни ўз ичига олади);
- иккинчи компонент - “жараён” (корхонада жорий фаолият, норма ва коидаларга мувофиқлигини баҳолаш);
- учинчи компонент – “натижа” (олинган натижани режалаштирилган кўрсаткичлар билан солиштириш асосидаги баҳолаш).

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизимини ишлаб чиқишдан олдин корxonанинг ички бизнес-жараёнларини чуқур таҳлил қилиш амалга оширилади, унинг асосида бутун корхона, алоҳида таркибий бўлинмалар ва ходимларнинг фаолиятига асосий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар аниқланади. Келинг, асосий ишлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш алгоритмининг батафсил кўриб чиқайлик. О.Бехтина самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизимини ишлаб чиқишнинг қуйидаги тартибини

белгилаб берди.[6] Бутун жараён у томонидан бир неча кетма-кет босқичларга бўлинади:

- 1-босқич - компаниянинг стратегик мақсадини аниқлаш;
- 2-босқич - стратегик харитани ишлаб чиқиш;
- 3-босқич - асосий роль ўйнайдиган кўрсаткичларни аниқлаш;
- 4-босқич - кўрсаткичларни ўлчаш учун кўрсаткичларни аниқлаш;
- 5-босқич - компания (алоҳида таркибий бўлинмалар) фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар (дастурлар) ишлаб чиқиш;
- 6-босқич - фаолиятнинг белгиланган асосий кўрсаткичларига мувофиқ ҳисоботни ишлаб чиқиш.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимини ишлаб чиқишда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичлари ҳисобга олинади. О.Бекхтина томонидан таклиф қилинган асосий ишлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш алгоритми мамлакатдаги бир қанча ташкилот ва корхоналарда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимини амалга оширишда асос сифатида қабул қилинган.

Ходимлар самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизими куйидаги вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган:

- корхона ходимлари олдига мақсадларни белгилаш;
- корхона ходимларининг фаолиятини баҳолаш;
- корхона ходимларининг фаолияти натижаларига кўра иш ҳақини белгилаш.

Қоида тариқасида, ҳар бир алоҳида ходимнинг асосий кўрсаткичлари корхонанинг умумий фаолияти билан боғлиқ ва шу билан тизимнинг асосий мақсадига эришилади - турли бўлимлар ходимларининг бошқа бўлимларнинг ходимлари ҳатти-ҳаракатлари бир-бирига зид келмайди ва ишига тўсқинлик қилмайди. Ҳар бир ходим ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун меҳнат қилиб, умумий ишга ҳисса қўшади ва натижада уларни амалга ошириш учун мукофот олади.

Мамлакатимизда меҳнат иқтисодиёти мактаби асосчилари ва фаннинг етук олимлари томонидан ишлаб чиқариш иқтисодиётида меҳнат самарадорлиги муаммоларига бағишланган бир қатор ишларида ёритилган. Хусусан, Қ.Х.Абдурахмонов ва бошқалар ушбу муаммо таҳлилига катта эътибор беришган. Қ.Х.Абдурахмонов меҳнат самарадорлигининг унумли моҳиятини қўйидагича таърифлайди: “меҳнат фаолиятининг самарадорлиги - меҳнат фаолиятининг пировард иқтисодий натижаси кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат меҳнат сарфига нисбатан, яъни меҳнат сарфи бирлиги ҳисобига ишлаб чиқаришган маҳсулот билан ўлчанади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат фаолиятининг самарадорлик даражаси ҳамда ўсишига боғлиқ”.[7]

Лавозимларни стандарт мезонлар бўйича баҳолаш тартиби куйидагича бўлиб, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимига асосланган самаралироқ, аммо унчалик машҳур бўлмаган баҳолаш мавжуд - бу стандарт

мезонларга мувофиқ лавозимларни баҳолашдир. Ушбу мезонлар, қоида тариқасида, ҳар бир лавозим учун ишлаб чиқилади ва кўпинча менежерлар, мутахассисларни баҳолашда, камроқ техник ходимларнинг ишини баҳолашда қўлланилади. Мезонлар универсал ва ҳар қандай лавозимга мос келади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, бу лавозимдаги вазифалар ва функциялар ўзгарганлиги сабабли мезонларни вақт ўтиши билан ўзгартириш керак бўлмайди.

Стандарт фаолият мезонларини ишлаб чиқишда маълум талабларга риоя қилиш керак:


- улар хулқ-атвор нуқтаи назаридан белгиланиши керак;
- улар хатти-ҳаракатларнинг барқарор такрорланадиган шакллариға тегишли бўлиши керак;
- улар муайян соҳадаги фаолият мазмуни билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришнинг миқдор ва сифат мезонларини акс эттириши керак;
- улар бевосита тегишли бўлим томонидан кузатилиши керак.[8]

Шунингдек, ушбу тизимда корхонадаги барча даражадаги мақсадлар SMART тамойилига мос келиши керак, яъни қуйидагича бўлиши тараб этилади:

- “specific” – ўзига хос;
- “measurable” – ўлчовли;
- “achievable” – эришиш мумкин (реалистик);
- “relevant” – фаолиятга мос, тегишли;
- “time-bound (time-based)” – вақт билан чегараланган.

Учинчи тури: **Иш фаолиятини бошқариш тизими** (ингл. “Performance Management”) – мақсадларни бошқариш тизимининг такомиллаштирилган ва қайта ишланган тури бўлиб, ушбу тизимда йилига бир маротаба ёки ҳар ярим йилда бир маротаба ходимнинг фаолиятини таҳлил қилиш (Performance Review) мажбурий ва қатъий тарзда амалга ошириладиган босқич мавжудлиги билан ажралиб туради. Ушбу босқичда корхона томонидан талаб этилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши, муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда энг муҳими ҳисобланган мезонлардан бири – ходимларнинг малакаси баҳоланади.

Тўртинчи тури: **Мувозанатланган кўрсаткичлар тизими** (Balanced Scorecard – BSC). Ушбу тизим Гарвард бизнес мактабининг Бейкер фонди профессори Девид Нортон ва Balanced Scorecard Collaborative асосчиси ва президенти Роберт Капланлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у корхона мақсади, қарашлари ва стратегиясига ҳар томонлама боғлиқ бўлган тўртта тузилмаларга асосланади. Бу қандай ишлайди? Одатда, корхона ходимлари жорий фаолиятни аниқ ва холис бажаришга ўргатилади. Бу тренинглари натижаси ҳисобланади. Натижада харидорлар ва мижозлар фаолиятдан мамнун бўлади ва бу ўз навбатида корхона даромадига бевосита ижобий таъсир қилади. Пировард натижалар эса раҳбариятга режалаштирилган стратегия, миссия ва қарашларни янада ёрқин ва шаффоф амалга оширишга кўмак беради. (1-расм).



1-расм. Мувозанатланган кўрсаткичлар тизими⁵

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси корхоналар тузилмаси бўлган корхоналарнинг самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш учун КРІ тизимини ишлаб чиқиш жараёнида олинган эмпирик маълумотларга асосланади.

Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асос ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотда Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган “Shaxrisabz VAOT” Акциядорлик жамияти, “DON – XALQ RIZQI” Акциядорлик жамияти, “OQ SAROY TEXTILE” МЧЖ ва “SADO” МЧЖ каби саноат корхоналарида ишлайдиган 1130 нафар ходимнинг сўров маълумотларидан фойдаланилган. Фараз қилинган муносабатлар энг кичик квадратларнинг структура тенгламаларини моделлаштириш усули ёрдамида баҳоланди. Натижалар шуни кўрсатдики, моддий рағбатлантириш ва ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш КРІ тизими билан ижобий боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ходимлар кўнимсизлиги билан салбий боғлиқдир. Рағбатлантиришнинг ходимлар кўнимсизлигига билвосита таъсири фақат моддий рағбатлантириш ва ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун қўллаб-қувватланди, чунки тўғри ташкил этилган меҳнат ва адолатли

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

бошқарув ва номоддий рағбатлантириш КРІ тизимига сезиларли боғлиқлик мавжуд бўлмаслиги мумкинлиги таҳлил этилиши лозим.

Тадқиқотимиз КРІ тизимини “ишлаши”да рағбатлантиришнинг икки турининг ўрни ва ўз навбатида ходимлар қўнимсизлигини бир вақтнинг ўзида ўрганиш орқали натижаларни қўлга киритди. Моддий ва номоддий рағбатлантиришларни ўз ичига олган моделни синаб кўриш орқали бизнинг тадқиқотимиз КРІ тизимини тушунтиришда моддий рағбатлантиришнинг номоддий рағбатлантиришга нисбатан қўшимча прогнозли кучга эга ёки йўқлигини ўрганди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, агар КРІ тизими асосида рағбатлантириш ходимнинг ташкилотга муносиблигини кўрсатса, ходимларнинг меҳнати адолатли рағбатлантирилса, у ҳолда ходимларнинг меҳнатга бўлган мотивацияси уларни қўнимсизлик ҳолатини камайтиради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилоятида ходимлар меҳнат фаолиятини баҳолашда сўнгги йилларда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизими амалиётга жорий этилган қуйидаги 3 та акциядорлик жамиятлари: «Shaxrisabz vino-arog» ОАЖ, «Kitob Ip Yigiruv» АЖ, «Don – Xalq Rizqi» АЖ, 18 та масъулияти чекланган жамиятлари: «Nishon Cellulose and Cotton Wool» МЧЖ, «Safe collection» МЧЖ, «Rus-dost tekstil» МЧЖ, «Xujaqulov Shuxratjon» МЧЖ, «Tursunov Muhammadali To'liqinovich» МЧЖ, «Amarizza Team Textile» МЧЖ, «Imron ibn Bahodir» МЧЖ, «S Grand» МЧЖ, «Muborakteks» МЧЖ, «Bunyodkor» МЧЖ, «Ulug'» МЧЖ, «Murodov Raxmatulla Mavlonovich» МЧЖ, «Sado» МЧЖ, «Sanam» МЧЖ, «Universal Taraqqiyot Tekstil» МЧЖ, «Murodali Farm Tekstil» МЧЖ, «Oq Saroy Tekstile» МЧЖ, «Shahrisabz Textile» МЧЖ, 2 та қўшма корхоналар: «Cotton Road» ҚК, «Lt Textile Interational» МЧЖ ҚК, 3 та хусусий корхоналар: «Fartune» ХК, «Almaz Hamkor Trans Servis» ХК, «Umar Jahongir» ХК ва 2 та оилавий корхоналар: «Koson Universal» ОК, «Asqar Naimov» ОК кабиларни ўз ичига олган жами 28 та амалда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти таҳлил қилинди.

Тадқиқот сифатини янада ошириш мақсадида танлама кузатув учун «Shaxrisabz vino-arog» ОАЖ, «Don – Xalq Rizqi» АЖ, «Sado» МЧЖ ва «Oq Saroy Tekstile» МЧЖ кабиларнинг молиявий натижалари ва улардаги самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизими билан боғлиқлиги ҳам алоҳида тадқиқ этилди.

Саноат корхоналари стратегиясида режалаштирилган мақсадларга эришиш ходимларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини оширилиши эвазига амалга оширилади. Бунга эришиш учун стратегияда белгиланган барча мақсадлар функционал раҳбарларга тақсимланади, функционал раҳбарлар томонидан тасарруфидаги ташкилий тузилмалар орасида уларга тегишли мақсадларни тизимли ва тенг равишда тақсимланади, тегишли ташкилий тузилмалар раҳбарлари ўз тасарруфидаги ходимларга тақсимлаб беришади.

Ходимлар меҳнат фаолиятини баҳолашда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизими амалда бўлган акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар⁶

№	Юридик шахс номи	KPI тизими амалда:			
		1 йил	2 йил	3 йил	4 йил
<i>Акциядорлик жамиятлари</i>					
1.	«Don – Xalq Rizqi» АЖ				+
2.	«Kitob Ip Yigiruv» АЖ			+	
3.	«Shaxrisabz Vino-Aroq» ОАЖ				+
А.Совин меҳнат эмиграция интенсивлашуви ҳамда никоҳ ва оилавий муносабатларда салбий жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Хусусан, донор мамлакатларда муаллиф ажралиш кўрсаткичларининг ошиши, оила деформацияси ва туғилиш даражасининг пасайишини қайд этган. [14]

Шунингдек, иқтисодчи олим Э.П.Плетневнинг "Жаҳон хўжалигининг капиталистик тизимида халқаро ишчи кучи миграцияси" деб номланган китобини ҳам қайд этишимиз мумкин, унда юборувчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мигрантларнинг пул ўтказмалари таъсирига эътибор қаратилган. [15]


Замонавий ёндашувлар ўртасидаги фарқ шундаки, улар нафақат меҳнат миграциясининг оқибатлари/самараларини аниқлашни, балки уларнинг типологиясини ҳам таклиф қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнат миграцияси оқибатлари типологияси муаммолари хорижий олимларнинг асарларида етарли даражада акс этмаган. Миграция (шу жумладан меҳнат миграцияси) оқибатларига бағишланган хорижий илмий ишларнинг кўплигига қарамай бу ишлар, одатда, ўзига хос жиҳатларга (масалан, ишсизликка, иш ҳақиға кўшиладиган ҳиссага, ижтимоий фондларга юклашга ва ҳоказоларга қаратилганлиги)ни қайд этишимиз мумкин ва уларда комплекс типология келтирилмаган. Шу билан бирга Россияда бир қатор олимлар (Рязанцев С.В, Колосницына М.Г,Суворова И.К, Лялина А.В, Раковская В.С,Соловьёва Н.Н, Туманова И.А. ва бошқалар) борки, улар тадқиқот доирасида меҳнат миграцияси оқибатлари ҳақида эмпирик маълумотлар массивини умумлаштирган, шунингдек ўз тадқиқотларини ўтказиб, унинг асосида ўз типологиясини ишлаб чиққан.

М.Г.Колосницына ва И.К.Сувороваларнинг "Халқаро меҳнат миграцияси: назарий асослари ва тартибга солиш сиёсати"мақоласида донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун меҳнат миграцияси оқибатларини умумлаштиришга ҳаракат қилган.[16] Оқибатлари ижтимоий-иқтисодий соҳа учун ижобий ва салбийга бўлинган. Шу билан бирга, типология ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан соф шаклда боғлана олмайдиган бир қатор соф ижтимоий муаммоларни, масалан, "миллатлараро низолар" ни ҳам ҳисобга олинишини таъкидлайди. Муаллифлар қабул қилувчи давлат учун деярли салбий иқтисодий оқибатларни санаб ўтмаганлар. Истисно тариқасида "бюджет юкининг ошиши (айниқса, доимий миграция ва оилалар миграцияси ҳолатларида)" айтиб ўтилган. Мазкур ишда таъкидланишича "қабул қилувчи давлатлар учун миграция фақат яхшиликдир." Бироқ, бошқа иқтисодчи олимларнинг асарларида бу фикр баҳсли бўлиб, хорижий ишчи кучидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсири ҳақида аниқ мисоллар келтирилган.

Меҳнат миграцияси оқибатларини энг батафсил типологияларидан бири С.В.Рязанцев томонидан таклиф этилган тасниф ҳисобланади. [17].

Муаллифнинг фикрича, миграция, хусусан меҳнат миграцияси баъзан ноаниқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. (1-расм.)



1-расм. Меҳнат миграцияси оқибатлари типологияси

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

С.В.Рязанцев типологиясига кўра миграция оқибатларини макродаражада (мамлакат учун) ва микродаражада (мигрантлар ёки уй хўжаликлари учун) кўриб чиқилиши керак. Таъкидлаш жоизки, иккинчи жиҳат ўта долзарб, аммо унинг асарида микродаражадаги оқибатлар қисман кўриб чиқилган. Донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун оқибатлар тўртта блокка бўлинади: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва демографик, улар эса ўз навбатида ижобий ва салбийга бўлинади. Сўнг ҳар бир гуруҳ бўйича ўзига хос оқибатлар берилади. Мисол учун, муаллиф юборувчи мамлакат учун ижобий сиёсий оқибатлари "ҳукумат ва сиёсий оппозиция вакиллари сиёсатидан норози кишиларнинг кириб келиши", қабул қилувчи мамлакатлар учун салбий иқтисодий оқибатлари эса - "меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этиш

имкониятлари блоккланиши" да намоён бўлади, деб таъкидлайди.

Биз тадқиқот доирасида С.В.Рязанцев томонидан кўрсатилган юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига меҳнат миграциясининг оқибатларига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу муаллифнинг типологияси кўп салбий оқибатларни ўз ичига олади, бу эса меҳнат миграциясининг ноаниқ эканлигини яна исботлайди. Донор мамлакатлар учун оқибатларга тўхталиб ўтамиз. (2-жадвал).

2- жадвал

Юборувчи мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари.

Ижобий оқибатлар	Салбий оқибатлар
Мигрантлардан (хориждан) пул ўтказмалари келиши ҳисобига ташқи тўлов баланси танқислиги камаяди.	Хориж талабига боғлиқлик нафақат товарларга, балки меҳнатга нисбатан ҳам ортиб боради.
Меҳнат бозори учун салбий оқибатларсиз меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этиш имкониятлари ошади.	Капитал қўйилмалари ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштиришдан истеъмолга йўналтирилади.
Маҳаллий саноат (асосан кундалик истеъмол товарларини ишлаб чиқариш) ва қурилишнинг айрим тармоқлари рағбатлантирилади.	Ташқи омиллар (чет элдан келадиган трансфертлар) ҳисобига миллий валютанинг қадри тушиши яъни, инфляциянинг ўсиши кузатилади
Хорижда иш билан таъминлашда воситачилик хизматлари (хусусий бандлик агентликлари) ҳисобида пул тушумлари ошади.	Мамлакат иқтисодиётининг хорижий пул ўтказмаларига боғлиқлиги
Меҳнат бозорида босимни камайтиради	Талабнинг ортиши туфайли уй-жойларнинг нархи асосий маблағ қўйиш воситаси сифатида ортиб боради.
Мигрантлар томонидан бизнес учун бошланғич капитални топиш	
Юқори малакага эга бўлиш	

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

2 - жадвалда кўриб турганимиздек, муаллиф юборувчи мамлакатдан фақатгина хориждан пул ўтказмалари шаклида тўғридан-тўғри

дивиденд олишга эътибор қаратмайди. Иқтисодий оқибатлар билвосита бўлиши ҳам мумкин, масалан, айрим тармоқларда ўсишни рағбатлантириш ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш имконияти. Меҳнат миграциясининг оқибатлари юборувчи мамлакатларнинг турли локал бозорларида: меҳнат, капитал, уй-жой бозорларида намоён бўлади.

С.В.Рязанцев типологиясига кўра, қабул қилувчи мамлакатлар учун оқибатлар ҳам ноаниқ, бу хориждан иш кучидан фойдаланиш фақат ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаш хато эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

3-жадвал

Қабул қилувчи мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари.

Ижобий оқибатлар.	Салбий оқибатлар.
Мигрантларни керакли ҳудудларда жойлаштириш ҳисобига иқтисодиётда минтақавий силжишларнинг имкониятлари енгилашади	Меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий этишга рағбат камаяди
Ишчи кучи харажатлари ва у билан боғлиқ умумий харажатлар камаяди	Ишсиз мигрантларга ижтимоий ёрдам учун сарф-харажатлар ортади
Ҳорижий ишчи кучининг маблағларни йиғишга мойиллиги туфайли нарх-наводаги ўзгаришлар	
Расман ишлаётган мигрантлар иш ҳақидан солиққа ва ижтимоий жамғармаларга тушумлар кўпаяди	
Мигрантлар томонидан уй-жой, коммунал хўжалиги хизматларига талаб ортади	

Манба: Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

Бироқ, бугунги кунда тадқиқотларда хорижий ишчи кучи оқимларининг ўсиб бораётган интенсивлиги қабул қилувчи ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларининг ҳолати ва ривожланишига бевосита узоқ муддатли таъсир кўрсатади ва бу самараларни ўрганиш жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади.

А.В.Лялина томонидан тавсия этилган оқибатларнинг типологияси алоҳида эътиборга лойиқдир. [18]. Муаллиф типологияси хусусияти сифатида қабул қилувчи ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли жиҳатларидан фойдаланади (2 -расм).

Иқтисодиёт учун қулай бўлган ишчи кучи сарфини камайтириш самараси билан биргаликда меҳнатни тежайдиган технологияларни

жорий этиш секинлашиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, иккинчи оқибат юборувчи мамлакатлар учун қарама-қарши бўлиши, яъни меҳнат миграцияси асосий фондларни модернизацияланишига олиб келиши мумкин.



2-расм. Қабул қилувчи мамлакат учун ҳорижий ишчи кучидан фойдаланиш оқибатлари.

Манба: Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 70.

А.В.Лялина донор мамлакатларнинг меҳнат ресурсларига эътибор бермасдан, фақат қабул қилувчи мамлакатларга эътибор беради. Муаллиф таъкидлаганидек: “қабул қилувчи ҳудуд учун меҳнат миграцияси оқибатларига бағишланган асарларнинг кўплигига қарамай, илмий ҳамжамият унинг таъсир кўрсатиш табиати ва чегаралари бўйича ягона фикрга келгани йўқ”.

Фикримизча, донор мамлакатлар учун меҳнат миграциясининг салбий оқибатларини ёритишда нафақат иқтисодий томонларини (катта ташқи трансферт мавжуд бўлган тақдирда инфляциянинг ўсиши мумкинлиги, инсон капиталини йўқотиши (давлат ва оиланинг унга сарфлаган ҳаражатларнинг йўқотилиши), “Ақлнинг кўчиши”, энг малакали ходимларнинг чиқиб кетиши ва натижада технологик жиҳатдан орқада қолиши, балки ижтимоий томонларини ҳам инобатга

олиш мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

Меҳнат миграциясининг самараси ва оқибатлари

Мамлакатлар	Самара	Салбий оқибатлар
Донор мамлакати (эмиграция мамлакати)	Маҳаллий меҳнат бозорида кескинликни камайиши.	“Ақлнинг кўчиши”, энг малакали ходимларнинг чиқиб кетиши ва натижада технологик жиҳатдан орқада қолиши
	Ишсизлик даражасининг пасайиши (ва / ёки иш ҳақи ўсиши).	
	Ишсизлик нафақалари ва бошқа бюджет харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш) туфайли бюджет	Катта ташқи трансферт мавжуд бўлган тақдирда инфляциянинг ўсиши мумкинлиги.
	Мигрантларнинг трансфертлари ҳисобига аҳоли даромадларининг ўсиши.	Инсон капиталини йўқотилиши (давлат ва оиланинг унга сарфлаган харажатларининг
	Трансфертлар ҳисобига ички бозорда товарлар ва хизматларга талабнинг ўсиши.	Оила деградацияси, ижтимоий муҳитнинг заифлашуви
	Чет элда тажриба орттирган ва таълим олган малакали ишчиларни қайтариш имконияти (“бекул”).	
	Камбағалликни қисқариши	
Қабул қилувчи мамлакат (иммиграция мамлакати)	Иқтисодиётда меҳнат ресурсларининг ўсиши, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши, ялпи даромад ва ялпи талабнинг ўсиши.	Бюджет юкининг ошиши (айниқса, доимий миграция ва оилалар миграцияси ҳолатларида).
	Меҳнат бозорида таркибий номуносибликларни бартараф этилиши	Ижтимоий кескинлик, миллатлараро низоларнинг ўсиши
	“Миллатнинг қариши” (айниқса, оилалар миграцияси) муаммоларининг юмшаши.	Ноқонуний иммиграция ва у билан боғлиқ бўлган оқибатлар (шу жумладан, житноятчиликка оид).
	Янада паст меҳнат учун нарх ҳисобига маҳсулот рақобатбардошлигининг	
	Хорижий ишчиларнинг маблағ йиғиш бўйича юқори мойиллиги туфайли инфляция секинлашиши	
	Пенсия ва бошқа ижтимоий нафақаларни тежаш (вақтинчалик миграция ҳолатида).	
	Таълим харажатларини тежаш (малакали ишчиларни жалб қилиш	

Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги донор ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига меҳнат миграцияси таъсирини ўрганишга бағишланган таҳлиллар

асосида қуйидаги типология таклиф этилади:

Биринчидан, меҳнат миграциясининг оқибатлари типини, яъни донор мамлакат ёки ишчи кучини қабул қилувчи мамлакат учун оқибатларни аниқлаш керак. Оқибатлар тури - келиб чиқиши ўхшаш бўлган оқибатларни битта асосий белги – ишчи кучи келиб чиққан ёки жойлашган мамлакатга бўлган муносабатлар асосида бирлаштирувчи таксономик категориядир.

Иккинчидан, оқибатлар синфини ажратиш керак. Оқибатлар синфи деганда оқибатлар типини тавсифловчи катта белги доирасида битта белги асосида аниқланган миграциянинг энг юқори таксономик категорияларидан бири тушунилади. Бундай ҳолда бу белги самараларнинг намоён бўладиган даражаси бўлади, унга кўра макродаражадаги оқибатлар ва микродаражадаги оқибатлар фарқланади. Шундай қилиб, донор мамлакатларда микродаражадаги оқибатлар аъзоси (ёки аъзолари) меҳнат миграциясини амалга оширган уй хўжалиги ичида намоён бўлади. Донор мамлакатлардан фарқли ўлароқ, қабул қилувчи мамлакатлар микродаражада мигрант, мигрантни ёлловчи резидент фирма, шунингдек резидент шахс ёки резидент уй хўжаликлари учун оқибатларни кўриб чиқади.

Учинчидан, кейинги таксономик бирлик сифатида оқибатлар тартибини ажратиш таклиф этилади. Тартиб синф доирасида у ёки бу белги асосида ажратилган ва давлат ривожланишининг муайян соҳаси учун оқибатларни акс эттирувчи таксономик категориялардан биридир. Мавжуд ёндашувлар доирасида меҳнат миграциясининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик ва маданий соҳалар учун оқибатларини ажратиш олиш лозим. Шунингдек, микродаражада, мигрантлар ва уй хўжалиги аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда психологик ва физиологик ҳолати учун оқибатларни алоҳида ажратиш керак.

Тўртинчидан, оқибатларнинг хиллари - ўхшаш оқибатлар турларини бирлаштирувчи кичик турдаги таксономик оқибатлар категорияси каби тоифани фарқлаш лозим. Тадқиқотимиз доирасида меҳнат миграциясининг иқтисодий оқибатлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Донор ва қабул қилувчи мамлакатлар учун иқтисодий оқибатлар хилларининг қуйидаги типологияси таклиф этилади:

- меҳнат бозори учун оқибатлар;
- инсон капитали ривожланиши учун оқибатлар;
- товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун оқибатлар;
- молиявий соҳа ва давлат бюджети учун оқибатлар;
- ташқи иқтисодий фаолият учун оқибатлар.

Бешинчидан, оқибатлар тури тоифасини алоҳида ажратиш лозим. У ижтимоий воқеликнинг муайян жиҳатини ўзгартирувчи ҳодисанинг хусусиятини бевосита белгиловчи оқибатларнинг оддий бирлигини

ўзида намоён этади. Оқибатларнинг фақат икки тури мавжуд: ижобий ва салбий. Меҳнат миграцияси таъсирида содир бўладиган ижтимоий воқеликдаги ҳар бир ўзгариш таъсир кўрсатиш тавсифига мос равишда аниқланиши лозим. Кейинчалик бу ҳодиса (оқибатлар) нинг тарқалиш кўлами ва тезлигини ҳамда интенсивлигини тегишли индикатор ва кўрсаткичлар ёрдамида ўлчаш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оқибатларнинг турлари ҳодисанинг қисқа муддатли, узоқ муддатли, ўрта муддатли давомийлиги асосида гуруҳларга бўлиниши мумкин. Намоён бўлиш даражасига кўра гуруҳлаш ҳам мумкин: очиқ ва яширин оқибатлар. Бундан ташқари, оқибатлар давлат бошқаруви нуқтаи назардан бошқариладиган ва бошқарилмайдиганга бўлинади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз доирасида меҳнат миграциясининг мигрантларни юборувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодийётига таъсирини таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқишда асосий ёндашувлар таҳлили амалга оширилган ҳамда асосий методологик хусусиятлари аниқланган. Методология оқибатларини типларга (донор мамлакат ёки ишчи кучини қабул қилувчи мамлакат учун оқибатлар), синфларга (микродаражадаги оқибатлар ва макродаражадаги оқибатлар), тартибга солиш нуқтаи назаридан(макродаражада: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик ва маданий соҳалар учун оқибатлар; микродаражада: мигрантлар ва уй хўжалиги аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда психологик ва физиологик ҳолати учун оқибатлар), хилига (меҳнат бозори учун оқибатлар; инсон капитали ривожланиши учун оқибатлар; товар ва хизматларни ишлаб чиқариш соҳаси учун оқибатлар; молия соҳаси ва давлат бюджети учун оқибатлар; ташқи иқтисодий фаолият учун оқибатлар)га кўра гуруҳлашни ўз ичига олади. Унинг хилига муайян оқибатлар турлари киради.

Ушбу оқибатларни ўрганиш натижасида меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганишнинг қуйидаги услубийётини таклиф қилиш мумкин.

(3 -расм).

Биринчи босқич - меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирининг салбий ва ижобий оқибатлари спектрини аниқлаш, оқибатларнинг типологик матрицасини яратиш.

Иккинчи босқич - оқибатларнинг типологик матрицаси асосида меҳнат миграциясининг иқтисодий тараққиётга таъсирини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш. Учинчи босқич - тизимнинг ҳар бир кўрсаткичини ҳисоблаш учун зарур бўлган бирламчи статистик маълумотларни йиғиш учун масъул бўлган муайян ижро этувчи ҳокимиятни аниқлаш ҳисобланади (миллий миграция хизмати, миллий

меҳнат ва аҳолини банд қилиш органи, миллий статистика хизмати, миллий банк, миллий иқтисодиёт вазирлиги, миллий солиқ хизмати, миллий чегара хизмати).

Тўртинчи босқич - давлат органига бирламчи статистик маълумотларни тўплашнинг ўзига хос усулини (жорий ҳисоби, танлов социологик сўровлари, "умумий маълумотлар" таҳлили) бириктириш.

Бешинчи босқич - ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан олинган бирламчи статистик маълумотларга асосланган ишлаб чиқилган тизимларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш, қаторлар динамикасини тузиш ва жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш учун махсус ҳисоблаш қийматларидан фойдаланиш.

Олтинчи босқич - аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида рўйхатга олиш даврида олинган таҳлилий маълумотларнинг алоҳида кўрсаткичларини ҳисоблаш натижаларини назорат қилишни ташкил этиш.



3-расм. Меҳнат миграциясининг иқтисодий ривожланишга таъсирини ўрганишга услубий ёндашув босқичлари.

Муаллиф томонидан тузилган

Таклиф этилган услубий ёндашув ҳар бир таҳлилий индикаторни ҳисоблаш учун зарур бўлган бирламчи статистик маълумотларни

тўплаш ва бириктирилган усул асосида бирламчи маълумотларни йиғиш учун масъул бўлган муайян ижро этувчи орган ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлайди.

Бундай ёндашув меҳнат миграциясининг нафақат иқтисодий, ижтимоий, шу жумладан, демографик, сиёсий ва маданий соҳаларига таъсирини ўрганишда қўлланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Доклад о миграции в мире 2020. <https://publiclons>. IOM In Migration, Международная организация по миграции (МОМ) .www.iom.int.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег// Вопросы экономики / Пер. А.Лаптев. 1997. № 5. С. 213 -215.
4. Lee E. A Theory of Migration// Demography. – 1966 .-№ 3 . –Р. 47-57..
5. Hicks J.R The Theory of Wages. L. 1963. Macmillan. P. 212-213.
6. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. М.: Диалог-МГУ, 1999. С. 302-303.
7. Экономика народонаселения: Учебник / Под ред. проф. В.А. Ионцева. Инфра-М, М.: 2007. – с.438
8. Бхагвати Д. В защиту глобализации// Пер с англ . под ред. В.Л.Иноземцева. М.: Ладомир , 2005, стр 448.
9. Яновский Ю.А. Международный Конгресс “Евразия: занятость в XXI веке” Международный семинар по трудовой миграции. М: 2001
10. Супян В.Б. США: современная иммиграция и экономика. Журнал “Россия и Америка в XXI веке”. № 1.2019 г. The Pozitive Economic impact of immigrants and immigration Mithbusters : Addressing Common Misconceptions/ URL: <https://www.fwd.us-cohntent/uploads/2018/04/Final-Misbusters-the-positive-economic-impaiact-of-immigration-1.pdf>.
11. Adler S. International migration and dependence, Saxon House, Westmead, 1977.
12. Carling J. International labour migration: Consequences for countries of origin. Occasional Paper #21, Human Geography Department of Sociology and Human Geography University of Oslo, 1996.
13. Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 66.
14. А. Сови. Общая теория населения. Т. I. Экономика и рост населения. Сокращенный перевод с третьего французского издания Ф. Р. Окуневой. Предисловие А. Я. Боярского. М.: Прогресс 1977. 503 с.

15. Плетнев Э.П. Международная миграция рабочей силы в капиталистической системе мирового хозяйства. Издательство ИМО, 1962 г.

16. Колосницыной М.Г. и Суворовой И.К. «Международная трудовая миграция: теоретические основы и политика регулирования» // Экономический журнал ВШЭ, №4, 2005 – с. 543-565.

17. Рязанцев С.В. Трудовая миграция в странах СНГ и Балтии: тенденции, последствия, регулирование. —М.: Формула права, 2007. - с. 448.

18. Лялина А.В. Теоретические подходы к моделированию последствий трудовой миграции для принимающей мигрантов территории. / Региональные исследования, № 2 (52), 2016. – с. 70.

19. Исраилова Д.К. Миграция жараёнларининг иқтисодий ҳавфсизликка таъсири методологияси//“Машинасозлик” илмий-техника журнали. Андижон, 2022. 5- сон. (Махсус сон), II том. -630 -639-б.

20. Israilova D.K. Социально – экономические аспекты экспорта рабочей силы// Colloquium-journal польский международный журнал научных публикаций. – Варшава, 2020. 3-сон №33 (85), стр 27-30.

21. Israilova D.K. The impact of remittances on the formation of human capital. Spirit time. Berlin, 2021, №5(41) ISSN 2522-9923 P 34-38.

22. Israilova D.K.Directions for improving state migration policy and uniformity/ Evrazian Jornal of Research, Development and innovation. Бельгия.Том.13 (2022): EJRDI. ISSN 2795-7659 P 28-32.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҶАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Юлдошев Улуғбек Асқар ўғли

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат ва хусусий сектор ўртасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, молиялаштириш ҳамда соҳада ҳамкорликнинг истиқболи сифатида давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар келтирилган. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга оширишда хорижий тажрибасини қўллаш ва молиялаштиришда қиёсий баҳолаш ва қайта кўриб чиқиш механизмини кенг жорий қилиш муҳимлиги асосланган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, жисмоний тарбия ва спорт, давлат, хусусий сектор, бизнес, молиялаштириш, механизм, модель.

Abstract: This article presents proposals and recommendations aimed at developing, financing public-private partnership between the public and private sectors in the field of physical education and sports and the implementation of public-private partnership projects as a prospect of cooperation in the field. In the field of physical education and sports, it is important to widely introduce the mechanism of comparative assessment and revision in the application and financing of foreign experience in the implementation of public-private partnership projects.

Key words: public-private partnership, public-private partnership projects, physical education and sports, public, private sector, business, financing, mechanism, model.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва хусусий секторлар ўртасида янги иқтисодий муносабатларнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасининг бир кўриниши бу давлат-хусусий шериклик муносабатларидир. Маълумки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишда асосий ички манбалар бу энг аввало давлат ва шу мамлакатда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади. Иқтисодчи олимларнинг таъкидларига кўра, давлат-хусусий шериклик давлат билан хусусий секторнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган биргаликдаги ҳамкорлигидир. Умуман олганда жамиятдаги очлик, қашшоқлик, ижтимоий нотенглик каби муаммолар қисқа муддатда ҳал қилиш имконининг мавжуд эмаслиги туфайли давлат-хусусий шериклиги орқали узоқ муддатли инвестицион ва бошқарув стратегияларни амалга ошириш йўли билан мамлакатда юқори ижтимоий қиймат яратилиши мумкин.

Ўзбекистонда 2022 йил давомида умумий қиймати 4,5 млрд.доллардан ортиқ бўлган жами 212 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, энергетика соҳасида 8 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 20 та, сув хўжалиги соҳасида 52 та, экология соҳасида 53 та, таълим соҳасида 48 та, маданият соҳасида 24 та, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасида 2 та, транспорт, коммунал хизматлар, солиқ, хунармандчилик саноати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин [1].

Мамлатимизда ҳам давлат-хусусий шерикликни ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 509-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли Қарорлари қабул қилинганлиги давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоӣ ва иқтисодӣ муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоӣ – иқтисодӣ ҳамкорлигида янги лойиҳаларни амалга оширишда намоён бўлади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик - хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлигидир [2].

Қарорга асосан, Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси - давлат, ижтимоӣ, иқтисодӣ ва илмий-техник аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муҳим инвестициявий, инновацион, инфратузилмавий ва бошқа тадбирлар мажмуи деб таъриф берилган [2].

Шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан молиялаштириш эҳтиёжларини тўлиқ қопламайди. Шунинг учун хусусий сектор томонидан инвестициялар талаб қилинади. Бундан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг тегишли механизмини амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги - бу илмий- тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоӣ аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун

давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир.

Дунё мамлакатларида мавжуд давлат ва хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, тамойиллари, ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва уни мамлакатимизда ривожлантириш олдимизга қўйилган вазифалардан биридир. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мамлакатимизда кундан кунга тараққий этиб бораётганлиги бу соҳада қилинаётган илмий тадқиқотларнинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Давлат-хусусий шериклик бўйича хорижий олимлар ўзларининг тадқиқот ишларида қуйидагича таърифлаб берган. Хорижий олимлардан М. Паздников, Е. Дынин, F. Ullah, M. Thaheem, M. Жерард, В.А. Кабашкин, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко, В.А. Королев, Е. Белый ва К. Антоновалар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини билдирган.

М. Паздников фикрича “Давлат-хусусий шериклик – давлат ва бизнес шерик бўлган ғарбий бозор иқтисодиётининг маҳаллий воситаси сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, шериклар тенгдирлар. Шунинг учун “Давлат хусусий шерикчилиги” атамаси қўлланилади” деб таърифлайди [3].

F. Ullah, M. Thaheemлар эса “Давлат-хусусий шериклик – лойиҳаларининг шартнома муддати лойиҳадан кутилаётган даромадлилик ва капитал баҳосига ўзини таъсирини кўрсатади” деб таърифлаган [4].

Россияда давлат-хусусий шериклик – бу маълум бир вақт учун қонуний равишда расмийлаштирилган, ресурсларни бирлаштириш, хатарларни тақсимлаш, бир томондан давлат шериги ва бошқа томондан хусусий шерик ўртасидаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, давлат ва маҳаллий ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан товарлар ва хизматлар мавжудлигини таъминлаш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида тузилган ҳамкорликдир [5].

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик ва жисмоний тарбия ва спортни молиялаштириш соҳасининг моҳияти ва турли жиҳатларини ёш тадқиқотчи олимларимиз Джуманиязов У.И. (2017), Шавкатов Н.Ш. (2021), Султанов А.С. (2021), Халмуратов К.П. (2021), Юнусова С.Б. (2022), Ҳалимов Ф.Э. (2022), Тохиров Ж.Р. (2022), Мамаюсупова Д.Б. (2022), Ҳайитов С.Б. (2022), Утегенов Қ.Д. (2022), Каюмов Б.Э. (2023), Утемуратова Г.Х. (2023), Якубова С.С. (2023) томонидан ўрганилиб, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ёш олимларимиздан Ф. Ҳалимовнинг тадқиқот натижаларига кўра,

давлат-хусусий шерикликнинг бевосита жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилиши натижасида иқтисодий самарадорлик куйидагиларда намоён бўлади: давлат бюджети ҳисобига турли хилдаги халқаро, республика ва ҳудудлараро миқёсдаги жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини молиялаштириш қисқартирилиши; ижтимоий аҳамиятга эга тадбиркорлик фаолияти ривожланиши; истиқболда янги соҳа ва тармоқларнинг юзага келишига асос солинади; янги иш ўринлари яратилиши; давлат бюджетига солиқ манбалари ва тушумлари кўпайишини кўришимиз мумкин [6].

Бундан кўриниб турибдики, охириги йилларда олимларимиз томонидан бу соҳаларга қизиқиш кўплиги, мамлакатимиз тараққиётини янада ривожига туртки бўлади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда бир қатор маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган маълумотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлардан фойдаланилди. Тадқиқот ишида таҳлил, мантиқийлик, анализ ва синтез ва қиёсий таҳлил усуллари фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд.доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган [1]



1-расм. Соҳалар кесимида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сони

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жорий йилда мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда экология ва сув ҳўжалиги соҳаларининг улуши кўплигини кўришимиз мумкин. Бошқа соҳалар жумладан, автомобил йўллари, логистика, спорт, авиация, туризм, маданият, чиқиндиларни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида амалга ошириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш амалиёти эндиликда йўлга қўйилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик муддати 3 йилдан – 49 йилга қадар этиб белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш тартиби қўйидагича амалга оширилади:

1. Бир миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси давлат шериги яъни Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

2. Бир миллион АҚШ долларидан - ўн миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг, давлат шериги яъни Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси томонидан тасдиқлайди.

3. Ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси ваколатли давлат органи билан келишилгандан сўнг ваколатли давлат органи томонидан Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади. Вазирлар Маҳкамаси давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини кўриб чиқади ва маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради.


Давлат-хусусий шериклик лойиҳалар туфайли соҳаларга хорижий тажриба ва технологиялар ҳам кириб келмоқда. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш мақсадида, ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаси, муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва аҳамиятли жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашимиз керак.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд бўлган бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик шарти асосида қуриладиган ва фойдаланиладиган хизмат турлари:

- Спорт майдончалари ва иншоатлари;

- Спорт кийимлари ва жиҳозлари дўконлар;
- Фитнес марказлари;
- Меҳмонхона бинолари;
- Соғлом овқатланиш шаҳобчалари;
- Хизмат кўрсатиш шаҳобчалари;
- Бошқа хизматлар.

Давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерик (бизнес)нинг ўзаро манфаатли шериклиги экан, улар ўртасида ҳамкорликнинг асосий нуқтаси томонларнинг ҳар бирининг мақсад ва манфаатларини мувофиқлаштиришдир. Давлат-хусусий шериклик давлат ва бизнеснинг умумий мақсадлари ва аҳамияти ушбу 2-расм орқали кўришимиз мумкин.



2-расм. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда давлат ва бизнеснинг мақсадлари ва аҳамияти

2-расмдан кўриб турибмизки, давлат ва бизнеснинг шериклик фаолияти пировардида иқтисодий комплекснинг ишлаши ва аҳоли

эҳтиёжларига хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, давлат мулкани оқилона бошқариш, инфратузилмадан фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлайди.

Давлат-хусусий шериклик орқали инвестицияларни жалб қилиш учун мамлакатнинг ривожланиш даражаси ва саноат ўртасида боғлиқлик хар доим мавжуд бўлиши керак.

Европа давлатларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик нафақат спорт инфратузилмаси объектларини яратиш/реконструкция қилиш лойиҳаларида, балки бошқа турдаги лойиҳаларда ҳам қўлланилади. Буюк Британияда “хусусий молиявий ташаббус” асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни, шу жумладан профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда (яъни спорт ва таълим соҳалари кесишмасидаги лойиҳалар). Шу билан бирга, шерикликда нафақат давлат ва бизнес вакиллари, балки олий ўқув юртлари, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар. Бундай лойиҳаларда бозор улушини оширишдан манфаатдор бўлган спорт буюм ва анжомлари ишлаб чиқарувчилари ҳам иштирок этадилар.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги моделларини қуйидаги 3-расмда кўришимиз мумкин [7].

Ташкили	Молиявий	Кооператив
Ташкилий моделларда мулк муносабатларига чуқур тажовуз, қоида тариқасида, содир бўлмайди, давлат ва хусусий шериклар ўртасидаги ҳамкорлик учинчи ташкилотларни жалб қилиш, муайян функциялар ва шартнома мажбуриятларини бериш, объектларни ташқи бошқарувга ўтказиш имкониятларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ташкилий моделга консессия кўринишидаги давлат-хусусий шериклик киради.	Молиялаштириш моделларига давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шакллари киради: Тижорат ёллаш, лизинг, лизикнинг барча турлари, дастлабки ва комплекс лойиҳаларни молиялаштириш	Кооператив ёки ҳамкорлик модели жамоат манфаати сифатида янги фойдаланиш қийматини яратиш жараёнининг алоҳида босқичлари учун масъул бўлган бир қатор шерикларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг турли шакллари ва усулларини ифодалайди. ДХШ конвенциясининг асосий принципи шундан иборатки, давлат унга қандай хизматлар ва инфратузилма кераклигини белгилайди ва хусусий инвесторлар давлат талабларига энг мос келадиган таклифларни илгари сурадилар.

3-расм. Давлат-хусусий шериклик моделлари

Давлат-хусусий шерикликни ривожланиш жараёни тезлаштириш учун қуйидагилар зарур:

- хусусий бизнеснинг барча мумкин бўлган соҳаларидан максимал даражада фойдаланиш;
- давлат-хусусий шерикликнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада мукамаллаштириш ва такомиллаштириш;
- давлат-хусусий шерикликнинг янги механизм, модел, усул ва схемаларидан, хусусан, тўлиқ ҳаёт даври шартномаларидан фойдаланишни кенгайтириш.

Давлат-хусусий шериклик механизми – давлат ва муниципал ҳокимиятларнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги чекланган имкониятларини енгиб ўтиш, баъзи рискларни хусусий секторга топшириш, тақдим этилаётган ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ва давлат инфратузилмаси объектларини бошқариш самарадорлигини ошириш учун хусусий секторнинг бошқарув кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиш имконини беради [8].

Давлат-хусусий шериклик механизми ВОТ (қуриш, ишлатиш, узатиш) имтиёзларда асосий молиялаштириш усули сифатида ишлатилади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини концессия асосида амалга ошириш доирасида спорт мажмуаси хусусий шерикга топширилиши мумкин. Бундай ҳолда, лойиҳанинг рентабеллигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$R = \frac{Pr_{com} + Pr_{soc}}{I}$$

бу ерда: **R** - рентабеллик, **Pr_{com}**, **Pr_{soc}** - тижорат ва ижтимоий ташрифлардан олинган фойда; **I** - лойиҳага инвестициялар.

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги шартноманинг мақбул шаклларида бири ҳаёт цикли шартномаси (LCC) ҳисобланади. Бунда биринчи хусусий шерик ўз маблағлари ҳисобидан объектни лойиҳалаштирадиган ва яратадиган, сўнгра белгиланган параметрларга мувофиқ объектни сақлаш учун давлатдан тўловларни оладиган шартнома. Инвестиция босқичи бўйича ҳамкор харажатлар “капитал grant” томонидан бартараф этилиши мумкин. Давлат-хусусий шериклик соҳасида DBFM (лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, сақлаш) ва DBFO (лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, бошқариш) каби давлат-хусусий шериклик моделлари ҳаёт цикли шартномасини (LCC) молиялаштириш моделига мос келади. Бунда ушбу схемани қўллаган ҳолда, лойиҳанинг рентабеллиги қуйидагича ҳисобланади [9].

$$R = \frac{D * n}{I}$$

бу ерда: **R** - рентабеллик, **D** - ижара тўлови кўринишидаги даромад; **n** - лойиҳани амалга ошириш; **I** - лойиҳага инвестициялар.

Давлат-хусусий шерикликда консессия ва ҳаёт цикли шартномасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, бунда шартноманинг иккинчиси афзаллиги очиб беради. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги шартномаларининг афзалликлардан бири шундаки, жисмоний тарбия ва спорт иншоотларини тўғри сақлаш шартларига кўра, хусусий шерикнинг инвестиция даромадлари ҳосил бўлган трафикка боғлиқ эмас ва фойда етишмаслиги давлат томонидан хизмат тўловлари туфайли қопланади.

Хулоса

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат-хусусий шериклик воситаларидан фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибани ўрганиш ва уни қўллаш келажакда самарадорлигини исботлади. Шундай қилиб, аҳолини спортга жалб қилиш учун жисмоний тарбия ва спортни молиялаштиришнинг қўшимча манбалари зарур. Бу ўз навбатида инвесторлар учун тегишли шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Шу сабабли, кичик ва ўрта корхоналарнинг устувор ривожланиши ва давлат-хусусий шериклик моделларининг турли шакллари ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатади.

Умуман олганда мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишига бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг камчилиги ва йўқлиги, маъмурий тўсиқлар, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг етарли эмаслиги ва уларнинг фаолиятининг пастлиги тўсқинлик қилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш қуйидаги асосий сабаблар боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Жаҳон амалиётида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида асосан бюджет лойиҳаларини амалга ошириш харажатлари ва муддатларининг ошиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Шу муносабат билан лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш учун аралаш вариантлардан фойдаланиш давлат харажатларини камайтириш ва спорт иншоотларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш вақтини қисқартиришнинг мумкин бўлган вариантларидан биридир.

2. Жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмасини ривожлантириш давлат ривожланиш сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмасининг ишлаши учун самарали ва сифатли шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат-хусусий шериклик мумкин бўлган вариантлардан бири бўлиши мумкин.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолияти самарадорлигини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида баҳолаш тизимини яратиш зарур. Бунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг етарли даражада ривожланмаганлигига қарамай,

жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ва корхоналари ўзларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, инфратузилмани сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун янги спорт иншоотлари яратиш ва ҳоказо.

4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида хизматларини кўрсатишни яхшилаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик учун давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш илмий тадқиқотлар нуқтаи назаридан ҳам амалий нуқтаи назаридан ҳам жуда долзарб вазифа деб ҳисоблаймиз; иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг ҳозирги ҳолати, жисмоний тарбия ва спорт ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча шакллари табиати, роли, ўрни шу жумладан давлат-хусусий шериклик шаклида белгилашда муҳим аҳамиятга эга; учинчидан, давлат-хусусий шерикликнинг ривожланиши барқарор ўсиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда давлат ва бизнеснинг умумий манфаатларининг сабаби ва натижаси, жамиятда аҳоли саломатлигини яхшилаш кафолати ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлари рўхати

1. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги www.pppd.uz сайти маълумотлари. <https://www.pppda.uz/10897>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 01 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 184-сонли қарори. www.lex.uz

3. Паздников М. Государственно-частное партнерство: суть и понятие. URL: <http://politmanagement.ru>.

4. F.Ullah, M.J. Thaheem et al., A review of public-private partnership: Critical factors of concession period Journal of Financial Management of Property and Construction, 21 (3) (2016), pp. 269-300, 2016.

5. Теоретические основы государственно-частного партнерства: материалы лекций Финансового университета при Правительстве РФ по дисциплине «Управление проектами государственно-частного партнерства в регионах Российской Федерации». М., 2013. С. 2

6. Ҳалимов Ф.Э. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022. 62-б.

7. А.П. Косинцев., Д.А. Обожина. Государственно-частное партнерство как эффективная форма привлечения инвестиций в сферу физической культуры и спорта. Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. № 3/2013.

8. Мамаюсупова Д. Б. Давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари. Илм сарчашмалари илмий журнали. 1/2021.

9. Schepalina A.N. (2015). The profitability of PPP projects in the sphere of physical culture and sports. Siberian financial school, №6 (113), 41-43.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Жўраева Шахло Учқун қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари, иқтисодиётимизнинг бир бўлаги бўлган тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг рақобатбардош қобилиятини ошириб, бир қатор афзалликларга эга бўлиши билан бирга уларга бўлган инвестициялар ҳажмини оширади. Шу орқали иқтисодиётимизнинг ва аҳоли турмуш даражасининг сезиларли даражада ўсишига эришилади. Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда бир нечта хорижий давлатлар тажрибалари келтирилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, хорижий тажриба, бандлик, кичик бизнес, турмуш даража, маҳсулот, хизматлар, ишлаб чиқариш.

Аннотация: в данной статье опыт зарубежных стран по комплексному развитию сферы предпринимательства, посредством развития предпринимательства, являющегося частью нашей экономики, повышает их конкурентоспособность и имеет ряд преимуществ, а также повышает объем инвестиций в них. Таким образом, будет достигнут значительный рост нашей экономики и уровня жизни населения. В данной статье представлен опыт ряда зарубежных стран по развитию хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: предпринимательство, зарубежный опыт, занятость, малый бизнес, уровень жизни, продукция, услуги, производство.

Abstract: in this article, the experiences of foreign countries in the comprehensive development of the entrepreneurship sector, through the development of entrepreneurship, which is a part of our economy, increases their competitive ability and has a number of advantages, as well as increases the volume of investments in them. In this way, significant growth of our economy and population's standard of living will be achieved. This article presents the experiences of several foreign countries in the development of business entities.

Key words: entrepreneurship, foreign experience, employment, small business, standard of living, products, services, production.

Кириш

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим омилдир. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга кўпроқ имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқдир ва бу борада сўнги йилларда Президентимиз кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилганларини айтиб ўтиш жоиздир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.06.2022 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш

давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни қабул қилиганликларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир[1]. Шунингдек тадбиркорларга кўпроқ қулайликлар яратиш ва оворагарчиликларни бартараф этиш мақсадида кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари янада содаллаштирилди. Бунга мисол тариқасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш бўйича аризалари “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси” (www.oilakredit.uz) орқали қабул қилинаётганлигини айтишимиз мумкин. Ушбу амалга оширилаётган ҳаракатларнинг тубида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсади ётади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Бугунги кунда дунё бўйлаб тадбиркорлик тушунчаси моҳияти, иқтисодийнинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўплаб иқтисодчи олимлар турлича ёндашувлар ва тадқиқотлар олиб боришган ва ўз фикр мулоҳазаларини баён этишган. Тадбиркорлик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалсада, тадбиркорлик тушунчаси 18-асрда пайдо бўлган ва кўпинча “мулкдор ибораси билан бир маънода қўлланилган. Ж. Б. Сей, А. Маршалл, В. Зомбрамб, Й. Шумпетер, Ф. Нойтлар тадбиркорлик илмининг асосчилари ҳисобланади[2]. XVIII асрнинг бошида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб тадбиркорлик тушунчасини инглиз иқтисодчиси Р. Кантилъон киритган эди[3]. У тадбиркорни фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи, деб баҳолайди. Жан Батист Сей тадбиркорни воситачи, ишлаб чиқариш омиллариининг координатори, тажриба ва билим эгаси, деб таърифлайди. Зомбарт эса тадбиркорликдаги таваккалчилик фақат сиёсат, савдодагина бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам хос деб, уларни қароқчи ва босқинчилар билан тенглаштиради. Шумпетерни олсак, у тадбиркорликнинг беш муҳим томонини: истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши; янги ишлаб чиқариш воситаларини қўллаши ва мавжуд

товарларнинг тижорийлигини таъминлаши; янги товарларни узлаштириши; янги хом ашёларни ишлатиши; тармоқни такомиллаштиришини кўрсатиб беради. Хусусан, А. Смит фикрига кўра, меҳнат тақсимоти бирмунча жадаллашган даврда омма ичидан фикрлаш қобилияти, уддабуронлиги билан фарқланувчи кишилар – илк тадбиркорлар ажралиб чиқа бошлади[4]. Улар жамиятда

бошқаларга қараганда бирмунча фарқланувчи функцияларни бажариб бошладилар. Соддароқ таърифига кўра, “тадбиркорлик” - бу фойда олишга қаратилган ғояни амалга ошириш учун иқтисодий таваккалчиқ ҳаракатидир. Қолаверса, ўзбек таниқли иқтисодчилари С.С.Ғуломов, Абдураманов Қ.Х., М.С.Ходиевларнинг илмий мақолалари ва ўқув қўлланмаларида тадбиркорлик тушунчаси, фаолияти ва унинг ўрни ва ўзига хос жиҳатлари ёритилган[5]. Уларнинг мулоҳазаларига кўра тадбиркорлик муҳити ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида шаклланади ва иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёритишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича хориж тажрибалари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун- моҳияти ўрганилиб, мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди. Шу билан бирга мавзунини ёритишда илмий техникавий ахборот манбаларидан тадқиқот ҳисоботлари ва интернет маълумотларидан фойдаланиш орқали мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан ушбу фаолият турини таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, жараёнларни кузатиш каби усуллардан фойдаланилган ҳолда хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Авваламбор, таъкидлаш лозимки, бугунги кунда иқтисодиёт ривожланиши ва мамлакат тараққиёти тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнесни ривожлантириш истиқболларининг ривожига боғлиқ бўлиб қолмоқда, бу эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кучли рақобат муҳити ҳукмронлигини намоён этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб ва бу орқали миллий иқтисодиётни юксалтириш борасида сезиларли даражада ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги “Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-43-сон[6], 2022 йил 30 августдаги “Тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “Очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-364-сонли қарорлари қабул қилинди[7].

Юқоридаги қарорларнинг тубида албатта тадбиркорлар учун қулайликлар ва уларнинг манфаати ётади. Ваҳоланки, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга ошироқда.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишда албатта тадбиркорликнинг ўрни ҳам сезиларли даражада аҳамият касб этади. Қайсики ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига қарайдиган бўлсак, уларда тадбиркорлик фаолияти катта аҳамият касб этади. Бунга мисол қилиб Германия, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой, Канада, Швецария, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни келтириш мумкин.

1-жадвал

2022 йилда тадбиркорлар учун энг яхши давлатлар¹³

2022 йилда тадбиркорлар учун энг яхши давлатлар		
Даража	GEM иқтисодиёти	NECI балл
1	БАА	6,8
2	Голландия	6,3
3	Финландия	6,2
4	Норвегия	5,5
5	Швецария	5,7
6	Корея	5,5
7	Қатар	5,5
8	Испания	5,5
9	АҚШ	5,3
10	Германия	5,1

Манба:Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

Юқоридаги жадвалда 2022 йилда тадбиркорлар фаолият олиб боришлари учун энг яхши ва қулай мамлакатлар рўйхати келтирилган. Биринчи учликда БАА, Голландия ва Финландияни кўриш мумкин бу мамлакатларда тадбиркорлик муҳити яхши шаклланган, шунингдек бу ерда тадбиркорлар фаолият бошлаши учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари инновацион ривожланган мамлакатлар Финландия, АҚШ, Жанубий Кореяда ҳам тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган.

Шундай экан тадбиркорлик фаолияти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, улардан иқтисодиётимиз равнақи учун керакли андозаларни олиш муболаға бўлмайди деб ўйлаймиз. Биз биламизки Германия ривожланган мамлакатлардан бири бўлиб,

¹³ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

айниқса иқтисодий ривожланиши билан ажралиб туради. Албатта бу ривожланиш ортида унинг ўқитиш тизими ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу ўринда Германиянинг “Келн Бизнес Мактаби”ни айтиб ўтиш жоиздир. Бу Келн шаҳридаги Келн университети Германияда амалий фанлар бўйича энг яхши хусусий университетлардан бири бўлиб, у 1993 йилда соф бизнес мактаби сифатида ташкил этилган бўлиб, кенг кўламли инглиз тилини ўрганиш дастурлари билан ажралиб туради.

Бу университетда иқтисодиётнинг бир қанча йўналишлари шунингдек, тадбиркорлик, бизнес йўналишлари ҳам алоҳида ўқитилади.

2-жадвал

Келн Бизнес Мактаби¹⁴

Келн Бизнес Мактаби	Йўналишлар
	Рақамли маркетинг
	Молиявий менежмент
	Халқаро бизнес
	Тадбиркорлик
	Глобал молия
	Савдо менежменти
	HRM етакчилик
	Стратегик менежмент
	Халқаро туризм

Манба:Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

Юқоридаги жадвалда Келн Бизнес Мактабида ўқувчилар қайси йўналишлар бўйича таҳсил олишлари мумкинлиги келтирилган. Кўриш мумкинки бу мактабда таҳсил олишни истаганлар иқтисоднинг истаган йўналиши яъни, тадбиркорлик, савдо менежменти, халқаро туризм, глобал молия, рақамли маркетинг, HRM етакчилик, халқаро бизнес ва бошқа йўналишлар бўйича ўқишлари мумкин.

Шунингдек Германияда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга бир қанча йўналишлар кўрсатилади ва ўргатилади.(3-жадвал)

Биз юқорида қайси мамлакатларда тадбиркорлик ривожланган ва тадбиркорлар учун қандай имкониятлар мавжудлигини кўриб чиқдик. Шунингдек уларнинг иқтисодиёт йўналиши бўйича, хусусан тадбиркорларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблари билан танишдик. Шу жараёнда хориж мамлакатларида тадбиркорликни бошлаш учун нималар қилиш керак, уни бошлаш жараёни қандай деган саволларга Германия давлати мисолида юқоридаги жадвалда тўхталиб ўтганмиз. Демак Германияда ўз бизнесни бошламоқчи, ёки тадбиркор

¹⁴ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

бўлмоқчи бўлган ҳар бир инсон минимал сармоялар қанча бўлиши керак, қандай қилиб бизнесни ўрнатишим мумкин, қайси тузилмани кўриб чиқишим керак, қандай қилиб молиялаштиришим мумкин, менинг бизнесимни ташкил қилиш учун қонуний талаблар қандай, иш ҳақи ва солиққа тортиш талаблари бўйича менга қандай маслаҳат бера оласиз каби саволлар билан танишади ва бу саволларга ўзида етарлича жавоб топгандан сўнг, ўзини тадбиркор сифатида ҳис қилгандагина тадбиркорлик фаолиятини бошлайди ва аксарият инсонлар ушбу соҳада муваффақиятга эришади.

3-жадвал

Германияда бизнес бошлаш жараёни¹⁵

Германияда бизнес юритиш
Қандай қилиб тезда бизнесни ўрнатишим мумкин?
Минимал сармоялар қанча бўлиши керак?
Қандай қилиб молиялаштиришим мумкин?
Менинг бизнесимни ташкил қилиш учун қонуний талаблар қандай?
Қайси тузилмани кўриб чиқишим керак?
Иш ҳақи ва солиққа тортиш талаблари бўйича менга қандай маслаҳат бера оласиз?

Манба:Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

Ушбу жараённи бошқа давлатлар ҳам ўз амалиётларига тадбиқ қилиб кўришлари лозим, ҳамда тадбиркорлик фаолияти бўйича тажриба алмашишлари ижобий натижаларга эришишга олиб келади ва мамлакат равнақига ўз ҳиссасини қўшади.


Статистик маълумотларга кўра Германияда бугунги кунда кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари 3,5 миллионга яқин. Бу мамлакатдаги барча корхоналарнинг 80 фоизи дегани. Кичик бизнес вакилларининг асосий қисми оилавий тадбиркорлик билан шуғулланади ва уларнинг ҳар бири 1 йилда ўртача 700 минг евро даромад кўради. Германияда тадбиркорликнинг ривожланишининг асосий сабабларидан бири кредит тизимининг тўғри йўлга қўйилганидир. Яъни, мамлакатда кичик бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган немис фуқаролари ҳеч қандай муаммоларсиз 20 йил муддатга 50 минг еврогача имтиёзли давлат кредитини олишлари мумкин. Тадбиркор дастлабки 2 йил давомида ушбу кредитдан беминнат

¹⁵Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

фойдаланади. Бу даврда банкдан олинган қарз учун тўлов амалга оширилмайди, кредит фоизлари тўланмайди. Кейинги 8 йилда эса банк кредитлари имтиёзли равишда йилига 4-5 фоиз миқдорида тўлаб борилади. Қарздорлик суммаси 11 йилдан кейин қоплана бошланади. Бундан ташқари, ҳукумат илмий изланишларга оид лойиҳаларни 40 минг еврогача молиялаштиради. Бу ўз навбатида, иқтисодиётда инновацион янгиликлардан кенг кўламда фойдаланиш имконини бермоқда. Бизнес учун яратилган эркинликлар ва имтиёзлар, хориж капитали учун чекловлар йўқлиги чет эллик тадбиркорларнинг Германия иқтисодиётига фаол инвестиция киритишида асосий омилга айланган. Ўз бизнесини ёки тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ҳар бир шахс аввало юқоридаги каби саволлар билан танишиб чиқади ва албатта шундан кейингина тадбиркорликка қўл уради ва кўп ҳолларда фаолияти муваффақиятли ва бардавом бўлади. Яна бир иқтисодиёти, хусусан тадбиркорлик фаолияти равнақ топган мамлакатлардан бири Америка Қўшма Штатларидир. Global Entrepreneurship Monitor маълумотларига кўра, АҚШда 31 миллион тадбиркор бор, бу катталар ишчи кучининг тахминан 16 фоизини ташкил қилади[8]. Шунга қарамай, катталарнинг тахминан 55% ҳаётининг қайсидир босқичида бизнес бошлаган, 26% эса икки ёки ундан ортиқ бизнесни бошлаган. Умуман олганда, Америкада тадбиркорлик ижобий баҳоланади, америкаликларнинг 63 фоизи бу яхши касб танлаш, деб ҳисоблайди. Қўшма Штатларда тадбиркорлик учун машҳур саноат тармоқлари Guidant Financial маълумотларига кўра, АҚШда янги кичик бизнесни кўрадиган бешта энг яхши соҳалар: Озиқ-овқат ва ресторан (12%), Чакана савдо (11%), Бизнес хизматлари (11%), Соғлиқни сақлаш гўзаллиги ва фитнес (9%) ва Уй-жой ва тижорат хизматлари (7%)[9]. Ушбу тармоқлар энг машҳур бўлганлиги сабабли, улар энг рақобатбардошдир. Бироқ, сиз молиявий ёрдам олишингиз ва муваффақиятга эришингиз эҳтимоли кўпроқ, чунки бу соҳаларга талаб юқори. АҚШда яратилган янги иш ўринларининг 65,1 фоизини кичик бизнес ташкил этади ва хусусий секторда ишловчиларнинг 47,1 фоизини банд қилади. АҚШда тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиялаштиришнинг бир қанча усуллари бўлиб, кўпинча нақд пулдан (37%) фойдаланишади. Тахминан 13% тадбиркорлар ўз бизнесларини молиялаштириш учун бизнесни бошлаш (ROBS) сифатида ролловерсдан фойдаланганлар. Шундан сўнг тадбиркорлар ўз бизнесини бошлаш учун ё ўз дўстлари ва оила аъзоларига (10%) таянган, гаровсиз кредитлардан (9%) фойдаланган ёки АҚШ Кичик бизнес маъмурияти кредитидан фойдаланган. Тадбиркорлик муваффақиятли бўлганда кўплаб омиллар мавжуд. National Business Capital and Services (NBCS) маълумотларига кўра тадбиркорларнинг тахминан 38 фоизи ўз-ўзини тарбиялаш муваффақиятининг калити эканлигини айтди[10]. Тадбиркорлар ўз

устувор йўналишларига қатъий риоя қилишлари, чалғитадиган нарсалардан қочишлари ва қандай тўсиқларга дуч келишидан қатъий назар, доимо ўз мақсадларига интилишлари керак.

Global Entrepreneurship Monitor маълумотларига кўра, АҚШда 31 миллион тадбиркор ва улар орасида турли хил миллат вакиллари кўриш мумкин[11].



2-расм. АҚШда тадбиркорлик субъектлари

Муаллиф томонидан интернет маълумотлари (<http://www.xabardor.uz>) асосида тузилган¹⁶.

Юқоридаги диаграммадан кўриш мумкинки АҚШда турли миллат вакиллари тадбиркорлик билан шуғулланади ва ўзаро тажриба алмашишади ва бу ўз навбатида уларнинг фаолиятида ижобий натижаларга эришишга туртки бўлади, шунингдек фаолиятлари ривожланиб, кенгайиб боради. Натижада эса мамлакат иқтисодиёти ҳамда аҳоли турмуш даражаси ҳам яхшиланади.

АҚШда тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқитишнинг турли хил ёндашувлари мавжуд бўлиб, бу усуллар ҳар доим ўз самарасини бериб келади. Шулардан биттасини мисол қилиб айтадиган бўлсак, турли мамлакатлардан тадбиркорлар жамланиб ўзаро иш тажрибаларини алмашадилар ва қайта ўқитилиб, малакаларини оширадилар ва ўз мамлакатларида янгича ёндашувларни тадбиқ этиб тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадилар ва бунинг натижасида аҳоли турмуш тарзи ҳам яхшиланади. Мамлакатимизнинг ўн кишилик

¹⁶ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

гурухдан иборат тадбиркорлари ҳам Вашингтонда 2022 йил 7 сентябрдан 4 октябрга қадар “Халқаро таълим бўйича Америка кенгашлари” (“American Councils”) томонидан АҚШда амалга оширилаётган “Uzbekistan Business Leaders” (UBL) дастури доирасидаги ўқувда иштирок этди. Дастур доирасида иштирокчилар АҚШ компаниялари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идораларида, Вашингтон, Остин, Техас ва Калифорниянинг Сан-Диего шаҳарларида меҳмонхона бизнеси, IT ва инновациялар, инклюзив таълим, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, мебел ишлаб чиқариш каби соҳаларда индивидуал амалиётни ўтади ва бу ўз навбатида тадбиркорлик қобилиятини оширади. Шунингдек Германиядаги каби АҚШда ҳам бир неча бизнес мактаблари бор. Шулардан бири “D’Amore-McKim номидаги бизнес мактаби”дир. МБА дастурига ҳар кузда ва баҳорда тахминан 80 нафар талаба ўқишга қабул қилинади ва мактаб “Economist” журнали томонидан 2018 йилда дунёда 83-ўринни эгаллаган. Бу мактабда талабалар бухгалтерия, солиқ, молия, халқаро бизнес, технологик тадбиркорлик ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитилади.

4-жадвал

Германия бизнес мактаби¹⁷

Кечки МБА дастурлари
Корпоратив молия
Тадбиркорлик
Таъминот йўналиши бошқаруви
Халқаро бизнес
Инвестициялар
Маркетинг
Корпоратив янгиланиш
Ўзаро инвестиция фондини бошқариш
Технологик тадбиркорлик
Соғлиқни сақлаш

Манба: Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган

Одатда мактабга ўн беш ёки ундан ортиқ мамлакатдан талабалар киришади. Уларнинг 90 фоизи иш стажига эга, 65 фоизи эса бизнесдан бошқа соҳаларда бакалавр даражасига эга. Ҳар йили талабалар тўртта таклиф қилинган йўналишлардан бирини танлаш учун ариза беришлари мумкин. Ҳар бир дастур анъанавий синф чегараларидан ташқарида бизнесни ўрганиш учун ноёб имкониятни тақдим этади. 2013 йил дастурига Хитой, Россия, Жанубий Америка ва

¹⁷ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида яратилган

Эгей минтақаси (Туркия ва Греция) кирган. Илгари талабалар Бразилия, Аргентина ва Ҳиндистонга ҳам саёҳат қилишган. 2013 йилда бизнес мактаб Business Week рейтинги бўйича мамлакатда 25-ўринни, 2014 йилда эса 19-ўринни эгаллади. Шимолий-шарқ, шунингдек, Forbes журнали томонидан “Американинг энг тадбиркор кампуслари”дан бири сифатида 4-ўринни эгаллади. МБА дастури АҚШнинг Financial Times нашри томонидан АҚШнинг топ 50 рейтингига, US News томонидан эса мамлакатда 21-ўринга киритилган. Дастур битирувчилари бутун дунё бўйлаб хусусий ва нодавлат фаолиятнинг барча соҳаларида мартаба олишади. Мактаб битирувчиларнинг барчасини албатта биринчи иш ўринларига эга бўлишларини ва кейинги босқичларда мартаба поғоналарини кўтаришларини таъминлайди. Албатта бундай сайъ-ҳаракатлар натижасида ҳар бир мамлакат иқтисодиёти янада ривожланади.

Хулоса

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Юқоридаги изланишларимиз, яъни тадбиркорликни ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш масаласи тубида албатта миллий иқтисодиётимиз равнақи ва аҳоли турмуш даражаси фаровонлиги ётади. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, унинг равнақи ва самарали фаолияти давомийлигини таъминлаб берилиши учун бизнинг назаримизда қуйидаги тавсиявий чора-тадбирларни амалга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича махсус ўқитишни ва малака оширишни йўлга қўйиш;
- республика бўйлаб тадбиркорларнинг ўзаро фикр ва иш услубларини алмашиш ва ўргатишни ташкил этиш;
- алоҳида тадбиркорлик ва бизнес мактабларини ташкил этиш;
- тадбиркорлик фаолияти ривожланган мамлакатларга тадбиркорларни малака оширишга юбориш ва бу орқали иқтисодиётни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.06.2022 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни[1].

2.Й. Шумпетер «Иқтисодий ривожланиш назарияси» 1982 й[2].

3.Ричард Кантилон “Иқтисодий назария ҳақида эсдаликлар” 1755 й[3].

4.А.Смит «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш”.1776 й[4].

5.Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.-256[5].

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3.02.2023 йил ПҚ–43-сонли қарори[6].

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “ Очиқ мулоқоти” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 30.08.2022 йил ПҚ-364-сонли қарори[7].

8.Global Entrepreneurship Monitor маълумотлари[8].

9.Guidant Financial маълумотлари[9].

10.National Business Capital and Services (NBCS) маълумотлари[10].

11.Global Entrepreneurship Monitor маълумотлари[11].

12.www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги

13.www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари агентлиги

14.www.lex.uz – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

15.www.norma.uz – Ахборот ҳуқуқий портали

16.www.minfin.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги

17.www.xabardor.uz – Янгиликлар базаси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИ МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Отақўзиева Сурайё Алишеровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асосларива муаммолари” илмий-тадқиқот маркази “Демография ва меҳнат бозори” сектори докторанти

Аннотация: Замонавий жамиятнинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти жараёнларига, ҳамда иқтисодиёт тармоқларига рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши миллий меҳнат бозорларидан сифатли ахборот технологиялари мутахассисларига эга бўлишликни талаб этади. Истиқболда ушбу соҳага оид зарур дастур ва стратегияларни қабул қилиш рақамли технологиялар соҳаси меҳнат бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ахборот технологиялари мутахассисларига бўлган талаб ва таклифни баҳолаш каби масалалар доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига боғлиқ бўлади. Мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳаси меҳнат бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини минтақавий кесимда таҳлил этиш орқали тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, меҳнат бозори, ахборот технологиялари (АТ) мутахассислари, АТ йўналишида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар, иш ҳақи

Аннотация: Широкое внедрение цифровых технологий в жизнедеятельность и трудовые процессы современного общества, а также в отрасли экономики требует с национальных рынков труда наличия качественных специалистов по информационным технологиям. В дальнейшей перспективе принятие необходимых программ и стратегий, связанных с этой сферой, будет зависеть от результатов исследований, проводимых в рамках таких вопросов, как изучение особенностей развития рынка труда в сфере цифровых технологий, оценка спроса и предложения специалистов по информационным технологиям. Основная цель статьи заключается в разработке соответствующих выводов и предложений путем анализа показателей развития рынка труда сектора информационных технологий Узбекистана с точки зрения региональных особенностей.

Ключевые слова: цифровая экономика, рынок труда, специалисты в области информационных технологий (ИТ), самозанятые в сфере ИТ, заработная плата

Abstract: The widespread implementation of digital technologies in the life and work processes of modern society, as well as in the economy, requires the availability of high-quality information technology specialists from national labor markets. In prospect the adoption of the necessary programs and strategies related to this sphere will depend on the results of research conducted within the framework of such issues as studying the characteristics of the labor market development in the field of digital technologies, assessing the demand and supply for information technology specialists.

Key words: digital economy, labor market, information technology (IT) specialists, IT self-employed, wage of IT-specialties

Кириш

Охирги йилларда дунинг кўплаб мамлакатларида жадал ривожланиб келаётган рақамли иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодий соҳаларга имкониятлар билан бир қаторда турли чақириқлар ҳам яратиб келмоқда. Бундай шароитда миллий иқтисодиётлар тармоқларидан рақамли иқтисодиёт шароитига эпчил мослашиш (адаптивлашиш) талаб этилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитига мослашишнинг энг асосий йўналишларидан бири рақамли технологиялар соҳасида инсон потенциалини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тармоқларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш мамлакатимизда замонавий рақамли билим ва кўникмаларга эга ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларига боғлиқ.

Тадқиқотимиз долзарблиги ва зарурияти мамлакатимизда олиб борилаётган кўплаб ислохатларда, ҳамда қатор норматив ҳужжатларда ўз аксини топади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹⁸ фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹⁹ қарори доирасида миллий меҳнат бозори учун АТ соҳасида сифатли мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш масалаларига эътибор қаратилган.

Мақоланинг асосий мақсади Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳаси меҳнат бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини минтақавий кесимда таҳлил этиш орқали тегишли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

АТ соҳасида бандлик масалаларини кўплаб хориж, МДҲ малакатлари ва маҳаллий олимлар ўз илмий ишларида турли ёндашувларга асосан ёритиб келмоқдалар.

Тадқиқотимиз доирасида ўрганилган адабиётларда АТ соҳасида таълим тизими масалалари, АТ мутахассислари кўникмаларининг меҳнат бозори талабига мутаносиблиги, ушбу соҳада мутахассисларни

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5030957>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6166539>

тайёрлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлар ва стратегияларга оид маълумотлар келтирилган.

АТ соҳасининг тараққиёти миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги мавқеини оширади, ушбу соҳадаги мутахассисларнинг кўникмалари даражаси уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини белгилайди (Llorens-Garcia ва бошқалар, 2009). АТ соҳасидаги мутахассисларнинг меҳнат бозорида талабга молик кадрлар бўлиб етишишлари уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари таълим йўналишида таҳсил олишлари билан боғлиқ (Garrido ва бошқалар, 2010).

Ҳозирда олий таълим тизимидаги АТ йўналиши таълим дастурлари жорий меҳнат бозоридаги талабга номуносиб ва бу жараён минтақалараро инновацион тараққиёт узилишини келтириб чиқариб, умуммиллий иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади (Maryska ва б., 2012; Vorisek ва б., 2006). Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда АТ соҳасига оид таълим дастурлари жаҳон стандартларига мос эмас (Kogi ва б., 2014).

Ахборот-коммуникация (АКТ) соҳаси энг тез ривожланаётган соҳалардан ҳисобланиб, унда сифатли кадрларни тайёрлаш меҳнат бозоридаги иш берувчиларнинг талабига мутаносиб бўлиши лозим (Абдрахманова ва б., 2017; Зуев ва б., 2018). АКТ соҳасидаги деярли барча касбларни асосан ёшлар эгаллаб келмоқда (Вишневецкая ва б., 2017). Келажак ишчи кучи учун энг муҳими ахборот технологияларини эгаллаш ҳисобланади. Ушбу технологияларни АТ мутахассисларигина эмас, турли касбдаги барча ходимлар эгаллаши зарурати туғилмоқда. Бу жараён малаканинг янгиланиши номини олди (Абдурахмонов, 2019).

Рақамли иқтисодиёт шароитида “креатив инсон” модели шаклланиб, унга кўра меҳнат бозорида рақобатбардош кадр бўлиш барча соҳаларда фаолият юритаётган, айниқса АТ соҳаси мутахассисларидан юқори креативлик кўникмасига эга бўлишликни талаб этади (Тешабаев, 2017).

Инновацион иқтисодиёт шароитида инсон капитали ва уни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, жумладан меҳнат бозори ривожланишига ижобий таъсир этади (Акрамова, 2014).



Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий абстракциялаш, эмпирик, тасвирий статистика, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва тадқиқот натижалари таҳлили

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар натижасида охириги йиллар

ичида АТ соҳаси ривожланишининг барча кўрсаткичлари бир неча баробар ошган²⁰.



1 – расм. 2015-2022 й.да республика миқёсида АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони, киши²¹

2 – расм. 2015-2022 й.да ҳудудлар кесимида АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони, киши²²

Жумладан, республикада АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сони 2022 йил 1 январь ойи ҳолатига кўра 53 782 кишини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,6 баробар ортганини кўришимиз мумкин (1-расм). Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар кесимида кескин фарққа эга бўлиб, 2022 йилга келиб мутахассисларнинг қарийб 65%и Тошкент шаҳри АТ корхоналарида, 5%и Тошкент, 4%и Фарғона вилоятлари юридик шахсларда фаолият кўрсатмоқда (2-расм).


2022 йилдга келиб деярли барча ҳудудлар кесимида юридик шахслардаги АТ мутахассислар сони ўсиш суръати 2015 йилга нисбатан 1,2 баробардан салкам 2 баробаргача ортиб келмоқда. Ушбу кўрсаткич Жиззах вилояти, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида салкам 2 баробарга ортган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Navoiy, Xorazm, Surxondaryo, Qashqadaryo, Buxoro, Namangan ва Samarqand вилоятларида 1,2 баробардан 1,6 баробаргача ўсган. Фақатгина, Sirdaryo

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>


²² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

ва Андижон вилоятларида ушбу кўрсаткич деярли ўзгаришсиз қолиб, Фарғона вилоятида 6%га камайган (3-расм).




3 – расм. 2015-2022 йй.да ҳудудлар кесимида АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар сонининг ўсиш тенденцияси, %²³

АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг давлат ва хусусий секторлардаги улуши тегишли 3,4% ва 96,6%ни ташкил этади (4-расм). Гендер кесимида эса ушбу кўрсаткич эркеклар учун 76% ва аёллар учун 24%дир (5-расм). Ходимларнинг ёш жиҳатига назар ташлайдиган бўлсак (6-расм), АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг 70 %ни 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.



4 – расм. АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг давлат ва хусусий секторлардаги улуши, %²⁴



5 – расм. АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг гендер хусусияти, %²⁵




6 – расм. АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг ёш жиҳатдан тақсимланиши, %²⁶

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг таълим даражасига кўра таҳлил этадиган бўлсак, республика бўйлаб 50% АТ мутахассислар олий маълумотли, 39%и ўрта махсус таълим ва 11%и ўрта таълим даражасига эга. Мутахассисларнинг таълим даражаси кўрсаткичлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида Тошкент шахрига нисбатан кескин фарқ қилади. Жами олий таълимга эга АТ мутахассисларининг 77 %и, жами ўрта махсус таълим даражасига эга АТ мутахассисларининг 51%и пойтахтимизда фаолият юритадилар. Бухоро, Тошкент, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган ва Навоий вилоятларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг аксарияти ўрта таълим даражасига эга (7-расм).



7 – расм. АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимлар таълим даражаси кўрсаткичларининг минтақавий хусусиятлари, %²⁷

Рақамли технологиялар меҳнат бозоридаги таклифни республикада АТ йўналишидаги ўзини-ўзи банд қилувчи ходимлар ҳам ташкил этади. Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият турлари реестрига 2023 йилга келиб 78 та хизмат тури киритилган бўлиб, ундаги 62 ва 63 бўлимлар тўлиқ ёки қисман АТ йўналиши билан боғлиқдир (1-жадвал).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда АТ йўналишида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият турлари [11]

Реестрда белгиланган бўлим рақами	Ўзбекистонда АТ йўналишидаги ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият турлари
62	Мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнер, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, сухандон, фото муҳаррир ва бошқалар)
63	Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш ва техник қўллаб-қувватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис)

2021 йил ҳолатига кўра АТ йўналишидаги ўзини ўзи банд қиладиган шахслар сони 2 225 кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич Ўзбекистонда жами ўзини ўзи банд қиладиган шахслар сонига нисбатан 0,6%ни акс эттиради. Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 2,4%ни ташкил этади. Бошқа ҳудудлар кесимида – Навоий ва Сирдарё вилоятларида АТ йўналишидаги ўзини ўзи банд қиладиган шахслар сони ҳудудлар кесимидаги ўзини ўзи банд қиладиган шахсларнинг жами сонига нисбатан нисбатан юқори бўлиб, тегишли 0,8 % ва 0,7%ни намоён қилади.

Ўзбекистонда асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2022 йил ҳолатига кўра 5,5 млн. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 3,2 баробар ошган. Минтақалар кесимида иш ҳақининг энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган АТ ходимларига тўғри келса, қолган ҳудудларга нисбатан энг паст иш ҳақи миқдори Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларига тўғри келмоқда (7-расм).



7 – расм. Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи (минг сўм) ва унинг 2015-2022й.даги ўсиш тенденцияси²⁸

АТ мутахассисларнинг иш ҳақиға оид маълумотлар ўрганилган турли халқаро, ҳамда маҳаллий манбалар мавжуд бўлиб, қуйида биз томондан Paylab халқаро платформасида келтирилган мамлакатимизда АТ мутахассисларининг ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари асосида таснифланган ўртача иш ҳақи миқдори ҳисобланган (2-жадвал).

Маълумки аксарият замонавий касб-мутахассисликлар каби АТ йўналишида ҳам меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги, ҳамда уларнинг иш ҳақи даражаси меҳнат бозорида иш берувчилар томонидан АТ мутахассисларидан талаб этиладиган зарурий билим ва кўникмалар даражасига боғлиқдир. АТ мутахассисларининг билим ва кўникмалари даражаси эса меҳнат фаолияти тажрибасига, қайси дастурий тилни эгаллаганликларига боғлиқдир. Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда АТ мутахассисларининг ўртача иш ҳақи эгаллаган билим ва кўникмаларидан келиб чиқиб 1 млн. 500 мингдан, 12 млн.гача баҳоланади.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

Ўзбекистонда АТ соҳаси мутахассисларининг ўртача иш ҳақи даражаси²⁹

Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)
6 млн.дан юқори		4,5 млн.дан - 6 млн.гача		4,5 млн.дан - 6 млн.гача		4,5 млн.дан паст	
Lead даражадаги дастурчи (Lead developer)	7 900	Cloud мутахассиси	5 900	Сервис техники	5 200	АТ бизнес аналитик	4 500
АТ архитектори	7 500	АВАР дастурчи	5 800	Дастурий таъминот консултанти	5 100	АТ тизими администратори	4 300
АТ тестери (IT tester)	7 500	Microcontrollers дастурчи	5 700	NET дастурчи	5 100	Фойдаланувчилар билан ишловчи мутахассис	4 200
DevOps мутахассиси	7 000	PHP дастурчи	5 700	SAP мутахассиси	5 000	Ўйинлар дизайнери	4 100
АТ хавфсизлиги мутахассиси	6 900	Go дастурчи	5 700	Perl дастурчи	5 000	АТ тест қилувчи мутахассис	4 000
Техник мутахассис (Technical support specialist)	6 600	АТ аналитики	5 500	Javascript дастурчи	5 000	R программист	4 000
Скрам-мастер	6 500	Дастурий таъминот инженери	5 500	C дастурчи	5 000	Тизим администратори	3 900
Oracle дастурчи	6500	Android дастурчи	5 500	Маълумотлар базаси администратори	4 900	АТ аудитори	3 800

²⁹ Paylab халқаро платформасининг АТ мутахассислари иш ҳақи оид маълумотлари асосида муаллиф томонидан таснифланган. Электрон манба: <https://www.paylab.com/salary-report?lang=en>

Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)	Мутахассислик номи	Ўртача иш ҳақи (минг сўм)
iOS дастурчиси	6 200	C++ дастурчи	5 500	Frontend дастурчи	4 800	Тармоқ администратори	3 600
АТ лойиҳалари раҳбари	6 200	Objective-C дастурчи	5 500	C# дастурчи	4 800	Веб дизайнер	3 500
АТ маҳсулотлари менежери	6 100	АТ консултант	5 400	Python дастурчи	4 700	МХизмат механик-техники	3 400
Ruby дастурчи	6 000	Game дастурчи	5 200	Программист ASP.NET	4 700	Веб-мастер	2 900
Java дастурчи	6 000	Тизим инженери	5 200	Маълумотлар базаси эксперт-аналитики	4 600		
Backend developer	6 000						

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги хулосани келтиришимиз мумкин:

- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳатлар натижасида охириги 5-7 йил ичида АТ соҳаси ривожланишининг барча кўрсаткичлари, жумладан ушбу соҳа меҳнат бозорига оид кўрсаткичлар тенденциялари ижобий характерга эга;

- АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи ходимларнинг демографик хусусиятларини баҳолайдиган бўлсак, ушбу сектор меҳнат ресурсларининг 70%ни 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган ёшлар қатлами ташкил этмоқда. Аммо гендер жиҳатдан хали ҳамон ушбу секторда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларнинг аксариятини эркалар ташкил қилади;

- АТ соҳасида фаолият юритаётган юридик шахсларда ишловчи жами ходимларнинг 50%ни республика бўйлаб ўрта махсус таълим даражасига эга меҳнат ресурслари ташкил этса, олий таълимга эга мутахассислар уларнинг жами сонидан 39%ни ташкил этади. Худудлар кесимида ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳридан кескин фарқ қилади. Олий таълимга эга АТ мутахассисларнинг салкам 80%и пойтахтимиз

ҳиссасига тўғри келади. АТ йўналишидаги ўзини ўзи банд қиладиган шахслар сони ҳам ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳридан кескин фарқ қилади;

- Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи охириги йилларда республика миқёсида ҳам, ҳудудлар кесимида ҳам 2,5дан деярли 4 баробарга ортган бўлса ҳам, бу кўрсаткич халқаро мезонларга кўра нисбатан паст даражада баҳоланади. Турли халқаро ва маҳаллий манбаларга кўра, мамлакатимизда АТ мутахассисларининг ойлик иш ҳақи уларнинг билим ва кўникмалари даражасидан келиб чиқиб, 1 млн. 500 минг сўмдан 12 млн. сўмгача баҳоланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги таклифларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Сўнгги йилларда мамлакатимизда АТ соҳасида жамланиб бораётган инсон потенциалидан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳа меҳнат бозорида фаолият кўрсатаётган барча мутахассисларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш, унда расмий ва норасмий сектордаги барча ходимларнинг демографик хусусиятлари, таълим даражаси, республика ҳудудларидаги кесими доирасидаги маълумотлар, ҳамда улар эгаллаган кўникмалар таснифини акс эттириш мақсадга мувофиқдир;

- мамлакатимиздаги АТ мутахассисларининг аксариятини ёшлар ташкил этганлигини инобатга олиб ушбу соҳада турли йўналишлардаги сўровномалар ўтказиш лозим. Сўровнома натижалари келгусида қабул қилинадиган дастур ва стратегияларда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир;

- АТ соҳасида аёллар бандлиги даражасини ошириш мақсадида, уларга микрокредитлар ажратиш, уларни олий таълимга жалб қилиш учун турли имтиёзларни жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6166539>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сонли қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4849607#4850687>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини

тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5030957>

4. Абдурахмонов, Қ.Х. (2019). Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-19-494-6.

5. Тешабаев Т.З., Отақўзиева З.М. (2017). Ахборотлашган иқтисодиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-5033-1-1.

6. Акрамова Ш.Г. (2014). Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши. Монография. ISBN: 978-9943-13-498-0.

7. Llorens-Garcia, A., Llinas-Audet, X., & Sabate, F. (2009). Professional and interpersonal skills for ICT specialists. *IT professional*, 11(6), 23-30. DOI:10.1109/MITP.2009.132.

Электрон манба: https://www.researchgate.net/publication/220386011_Professional_and_Interpersonal_Skills_for_ICT_Specialists

8. Garrido, M., Sullivan, J., & Gordon, A. (2010). Understanding the links between ICT skills training and employability: an analytical framework. In *Proceedings of the 4th ACM/IEEE International Conference on Information and Communication Technologies and Development*. DOI:10.1145/2369220.2369234

Электрон манба: https://www.researchgate.net/publication/261849066_Understanding_the_links_between_ICT_skills_training_and_employability_An_analytical_framework

9. Maryska, M., Doucek, P., & Novotny, O. (2012). Requirements of companies on the knowledge ICT specialists for the ICT administrator role. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 46, 4389-4393. DOI:10.1016/j.sbspro.2012.06.260

Электрон манба: https://www.researchgate.net/publication/271582467_Requirements_of_Companies_on_the_Knowledge_ICT_Specialists_for_the_ICT_Administrator_Role

10. Vorisek, J., Feuerlicht, G. (2006). The Impact of Global ICT Trends on Demand Characteristics for ICT Professionals in the CR. Электрон манба: https://nb.vse.cz/~vorisek/FILESE/2006_HR_in_ICT_A.doc

11. Scholarios, D., Van der Heijden, B. I., Van der Schoot, E., Bozionelos, N., Epitropaki, O., Jedrzejowicz, P., ... & Van der Heijde, C. M. (2008). Employability and the psychological contract in European ICT sector SMEs. *The International Journal of Human Resource Management*, 19(6), 1035-1055.

12. Calitz, A., Greyling, J., & Cullen, M. (2013). The influencers of scholars' ICT career choices. *Educ. Res. Soc. Change*, 2(1), 64-81. Электрон манба: https://www.researchgate.net/publication/281450813_The_Influencers_of_Scholar's_ICT_Career_Choices

13. Kori, K., Altin, H., Pedaste, M., Palts, T., & Tõnisson, E. (2014). What influences students to study information and communication technology. *INTED2014 Proceedings*, 1477-1486. Электрон манба: <https://library.iated.org/view/KORI2014WHA>

14. Абдрахманова, Г. И., Гохберг, Л. М., & Кевеш, М. А. (2018). Индикаторы цифровой экономики: 2017: статистический сборник. М.: НИУ ВШЭ. Электрон манба: <https://www.hse.ru/mirror/pubs/share/222291432>

15. Зуев, Д. О., Кропачев, А. В., & Усов, А. Е. (2018). Особенности профильной подготовки и переподготовки IT-экспертов в соответствии с актуальными потребностями на рынке труда. Наука, образование и культура, (2 (26)).

16. Вишневская, Н. Т., Гимпельсон, В. Е., Зудина, А. А., Капелюшников, Р. И., Лукьянова, А. Л., & Шарунина, А. В. (2017). Профессии на российском рынке труда.

17. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотлари (2022.). Электрон манба: <https://mehnat.uz/uz>

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари (2022). Электрон манба: <https://stat.uz/uz/>

19. Paylab халқаро платформасининг АТ мутахассислари иш ҳақига оид маълумотлари (2022). Электрон манба: <https://www.paylab.com/salary-report?lang=en>

20.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 99 974 48 22



Tashkent, Uzbekistan



s.goyipnazarov@tsue.uz



www.laboreconomics.uz